

**ИСТИҚБОЛЛИ  
ЗИЁ**



**МАСКАНИ**



# **ИСТИҚБОЛЛИ ЗИЁ МАСКАНИ**

**(1995-2015)**

**Навоий-2015**

**Масъул муҳаррир:** Қ.С.Санакулов.

**Таҳрир хайъати:** Б.Ф.Муҳиддинов, Х.А.Аҳмедов, Н.А.Абдуазизов,  
А.С.Хасанов, А.И.Қаршибаев, Б.Т.Мардонов, У.У.Костаев.

**Тузувчилар:** О.Хаитова, Ж.Нуруллаев, А.Худойбердиева, Г.Норкулова,  
Э.Сапарбоева.

**Истиқболли зиё маскани (1995-2015)**

**Муҳаррир:** Қ.С.Санакулов

**Тузувчилар:** О.Хаитова, Ж.Нуруллаев ва бошқ.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон кон-металлургия мажмуининг устувор ривожланишини таъминлаш ва фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш саноати учун юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлаш мақсадида:

1. Навоий вилояти ҳокимлиги, “Қизилқумнодир-металлолтин” давлат концерни, “Навоийазот” ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитасининг Навоий техника коллежи негизида Навоий давлат кончилик институтини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар институт фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

- кончилик ишлари, кон-металлургия, кимё-технология, энергетика ва машинасозлик соҳалари бўйича мутахассислар-конструкторлар, технологлар, таъмирловчилар ва шу соҳаларнинг ишлатувчиларини тайёрлаш;

- жаҳон фундаментал ва амалий тадқиқотлари ютуқларини ўрганиш асосида фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш соҳасида ўз илмий ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш;

- фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳасида янги илғор технологияларни ишлаб чиқиш ва уларни республиканинг муайян геологик ҳамда иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда амалиётга жорий қилиш;

- жаҳон фани ва технологияларининг энг янги ютуқлари негизида фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳасида мутахассислар малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш;

- республика кончилик тармоғини ривожлантиришни илмий таҳлил ва прогноз қилиш;

- чет эллардаги йирик ўқув юртлари, МДХ мамлакатларидаги етакчи кончилик ва кон-металлургия олий ўқув юртлари ҳамда илмий марказлари билан кенг кооперацияни амалга ошириш.

3. Навоий шаҳридаги 2-хунар техника билим юрти негизида Навоий давлат кончилик институти ҳузурида коллеж ташкил этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 15 кун муддатда мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан ташкилий чора-тадбирларни назарда тутувчи тегишли қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**  
**Тошкент шаҳри, 1995 йил 7 июль**

**И. Каримов**

## ТАБРИК СЎЗИ

**Хурматли ҳамкасблар, азиз профессор-ўқитувчилар, кадрли талабалар!**

Сиз азизларни Навоий давлат кончилик институти ташкил топганлигига 20 йил тўлиши муносабати билан самимий табриклайман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан Навоий давлат кончилик институтининг ташкил этилиши барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди. Йигирма йил давомида институт кончилик, энергетика, машинасозлик ва кимё саноати тармоқлари учун юқори малакали кадрлар ва мутахассислар тайёрлашда салмоқли муваффақиятларга эришиб келмоқда. Навоий давлат кончилик институти тайёрлаган юқори малакали кадрлар бугунги кунда Республикамизнинг турли соҳаларида фаолият юритиб, мустақил Ўзбекистоннинг равнақи йўлида хизмат қилмоқдалар. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, мамлакатимиз миқёсида ишлаб чиқарилаётган рангли ва қимматбаҳо металлларнинг 80 фоизи Навоий вилояти ҳиссасига тўғри келади. Мустақиллик йилларида Навоий кон-металлургия комбинатида фаолият кўрсатаётган 60 минг нафардан зиёд ишчи-ҳодимларнинг фидокорона меҳнати туфайли рақобатбардош олтин, кумуш, уран, фосфорит ва шу каби хом-ашёларни казиб олиш, қайта ишлаш ҳисобига валюта захираларимизни оширишда қатор ютуқларга эришилди. Қисқа муддат давомида Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида нуфузли ўринни эгаллади. Ўзбекистон иқтисодиётининг истиқболдаги тараққиёти мухтарам Юртбошимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган ва амалга тадбиқ қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридаги белгиланган вазифаларни амалга ошириш ва кадрлар салоҳиятини оширишда Навоий кон-металлургия комбинати билан институтнинг ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб бориб, салмоқли натижаларга эришиши аини муддаодир. Навоий кон-металлургия комбинати раҳбарияти

институт моддий техника базасини янада мустаҳкамлаш, замонавий техника воситаларини ўқув жараёнида кенг қўлланишда, ўқув лаборатория хоналарини янги замонавий жиҳозлар, асбоб-ускуналар билан таъминлашда, илмий педагогик кадрлар ва профессор-ўқитувчиларнинг малакасини оширишда яқиндан кўмак бериб келмоқда.

### **Хурматли ҳамкасблар!**

Мустақиллик берган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда олий таълим муаммоларига янгича ёндошиб, талаба ёшларга таълим-тарбия бериш даражасини янада юқори поғоналарга кўтаришдек шарафли вазифани адо этишингизда, жаҳон талабларига мос ҳолда фундаментал, амалий тадқиқотлар олиб бориш, инновацион ишланмалар яратиш фаннинг муҳим соҳалари бўйича янги илмий мактабларни шакллантириб, улар фаолиятини давомийлигини таъминлаш, юксак тараққий топган мамлакатлар университетлари билан илм-фан ва олий таълим соҳасида ўзаро тенг манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришдек фаолиятингизда улкан зафарлар тилайман. Ишончим комилки, институтнинг фидойи профессор-ўқитувчилар жамоаси тўпланган илмий педагогик салоҳиятни сақлаш ва янада бойитиш, Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш ва юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда ўзининг беназир ҳиссасини қўшаверади.

**Қувондик Санақулович Санақулов**  
**Навоий кон металлургия комбинати**  
**бош директори, институт ректори,**  
**Ўзбекистон Қаҳрамони**

## КИРИШ

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида таълим тизимининг барча турларини тубдан ислох қилиш бўйича аниқ мақсадли кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди ва бугунги кунда тизимли равишда изчил давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши таълим мазмунида туб ўзгаришларни ясади. Таълим муассасаларининг таълим-тарбия жараёнига узлуксиз таълимнинг давлат таълим стандартлари ва давлат талаблари жорий этилди.

Президентимиз Фармони билан ташкил топган Навоий давлат ~~кончили~~к институти бугунги кунда етук малакали мутахассисларни тайёрлаш ва тарбиялашда бошқа олий ўқув юртлари сингари жонбозлик кўрсатмоқда. Айниқса, институтда бакалавриат ва магистратурада таҳсил олаётган талабаларни илмий тадқиқот ишларига кенг жалб этиш, таълим билан фаннинг самарали интеграциясини таъминлаш ва шу асосда юқори малакали кадрлар тайёрлаш, жаҳон фундаментал ва амалий тадқиқотлари ютуқларини ~~ўрганиш асосида фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳамда қилти~~ ишлаш соҳасида ўз илмий ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш ишлари самарали йўлга қўйилган. Мустақиллик шарофати туфайли ташкил топган ушбу зиё маскани - Навоий давлат кончили к институти янги биносининг ишга туширилиши институтимиз барча ходимлари, профессор-ўқитувчилари ва талабаларни бирдек қувонтирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини

мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайерлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сонли Қарори асосида Навоий давлат кончилик институтининг 2000 талабага мўлжалланган янги ўқув биносини қуриш ишлари амалга оширилмоқда. Умумий майдони 19 гектар майдонни ташкил этган ҳудудда қурилиш ишлари икки босқичда давом эттирилиши кўзда тутилган. Биринчи босқичда маъмурий бино, энерго-механика, кончилик ва кимё-металлургия факультетлари бинолари, ахборот-ресурс маркази ва 300 ўринли фаоллар зали, замонавий спорт зали қурилиб фойдаланишга топширилиш арафасида турибди.

Иккинчи босқичда ўқув полигони, 200 ўринли ошхона, 400 талабага мўлжалланган талабалар турар жойи, стадион, хўжалик бинолари, автотураргоҳ ва профессор-ўқитувчилар учун уй-жойлар қуриш режалаштирилган.

Биринчи босқич ишлари 2013 йилда бошланган бўлиб, бугунги кунга қадар ушбу объектларда 59,4 млрд. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Жумладан, маъмурий бино ва учта, яъни **энерго-механика, кончилик ва кимё металлургия факультетлари ўқув бинолари** қуриб битирилиб, уларни пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда. Жорий йилда қурилиш ва пардозлаш ҳамда институт ҳудудини ободонлаштириш ишлари учун давлат бюджетидан 29,7 млрд. сўм маблағ ажратилган.

Таълим жараёнини замонавий ўқув воситалари билан таъминлаш ва илғор педагогик технологияларни жалб қилиш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, институтнинг янги ўқув биносини ўқув лаборатория жиҳозлари, ахборот-коммуникация воситалари ва мебеллар билан жиҳозлаш ишлари учун 2015 йил давлат бюджетидан 6,0 млрд. сўм ва Навоий кон-металлургия комбинати

маблағлари ҳисобидан 6,6 млрд. сўм маблағ ажратилди. Айни пайтда ушбу жиҳозлар янги бинога келтирилиб, ўқув хоналари, лаборатория хоналари, кафедралар, ходимлар учун ажратилган хоналар замонавий мебеллар билан жиҳозланмоқда.

Бундан ташқари, институтнинг Олмалиқ шаҳридаги Олмалиқ кон металлургия факультети учун лойиҳа қиймати 605,9 млн. сўмлик замонавий спорт залини қуриш ишлари ниҳоясига етказилиб, фойдаланишга топширилиш арафасида. Мазкур спорт залини жиҳозлаш учун 49,3 млн. сўмлик спорт анжомлари харид қилинди.

Ушбу китоб орқали Навоий давлат кончилик институти бакалавриат босқичида 10 та таълим йўналишлари бўйича 3 мингдан ортиқ талабалар, магистратура босқичида 8 та мутахассислик бўйича 100 га яқин магистрлар таҳсил олаётганидан, институт ҳузурида 3 та академик лицей ва илмий кенгаш ҳақида маълумотлардан хабардор бўлинади. Шунингдек, айни кунларда кон-металлургия, кимё-металлургия, электр-энергетика, машинасозлик соҳасининг устувор йўналишлари бўйича 6 нафар катта илмий-ходим изланувчи, 20 дан ортиқ мустақил изланувчи илмий изланиш олиб бораётганлиги ҳақида танишиш мумкин.

Китобда профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг илмий изланишларига қулайлик яратиш мақсадида институтда маънавият ва маърифат бўлими, ахборот ресурс маркази, ахборот технологиялари маркази, барча факультетлар қошида ва талабалар турар жойида кутубхоналар ташкил этилгани, улар 200 минг нусхадаги китоб фондига эгаллиги, ахборот ресурс маркази ягона интернет тизимига улангани каби маълумотлар билан ҳам танишиш мумкин. Шу билан бирга, бугунги кунда талабалар билан олиб борилаётган ўқув, илмий, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга хизмат

қиладиган тузилмалар ва жамоат ташкилотларининг фаолияти ҳақида тўхталиб ўтилган.

Хуллас, ушбу мўъжаз китобдан мамлакатимиз мустақиллиги даврида асос солинган, мухтарам Юртбошимиз томонидан таълим тарбия соҳасига қаратилаётган доимий эътибор ва ғамхўрликлари туфайли, ёш авлодни тарбиялашдек ҳамда кон-металлургия саноати соҳалари учун малакали кадрлар тайёрлайдиган олий даргоҳ, яъни Навоий давлат кончилик институтининг 20 йиллик тарихи тўғрисида энг зарур маълумотлар ўрин олган.

**I БОБ.**  
**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК**  
**ИНСТИТУТИНИНГ ТАШКИЛ**  
**ТОПИШИ**

---



Кўхна тарих гувоҳлигига қараганда, Ўзбекистон ҳудуди жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми бўлиб, илм-фан, маданият, санъат ва маърифат маскани ҳисобланган. Айниқса, Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги “Учтут” ширкат хўжалиги юқори қисмида қадимий чакмоқтош кони ва неолит даврига оид тош қуроллари устахонасининг топилиши бу ерлик аҳолининг қадим замонлардан буён кончилик ишлари билан шуғулланганидан далолат беради.

Қадимшунос олимларимиз томонидан Қизилқум ҳудудининг катта қисмида текшириш ишлари олиб борилиши натижасида Навоий вилояти ва умуман, Қизилқумнинг табиий гўзаллиги, қадимда ҳудудимизда яшаган аجدодларимизнинг ҳаётидан гувоҳлик берувчи тошларга ўйиб чизилган расмлар, тирикчилик учун ишлатилиб келинган меҳнат ва ов қуроллари, бой минерал хом-ашё захиралари мавжуд эканлиги ҳамда бу замин жаҳон цивилизацияси тарихига ҳисса қўшган маданият ўчоқларидан бири эканлиги исботланди.

Қизилқум ҳудудида олиб борилган геологик тадқиқотлар бу ҳудудда Менделеев даврий системасига кировчи барча элементларнинг мавжудлиги, табиий бойликларнинг ноёблиги ва ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туришини кўрсатди. Учқудук ва Зарафшон ҳудудларидаги олтин қазиб олувчи улкан саноат корхоналари мамлакатимизнинг индустриал техникавий ва технологик асосини ташкил қиладиган саноат иншоотлари қаторида муҳим ўрин эгаллаган.

Навоий вилоятида кончилик ва металлургия саноатини ҳамда барпо этилаётган саноат корхоналарини етук ва малакали мутахассис кадрлар билан таъминлаш мақсадида 1963 йилда Навоий шаҳрида Тошкент политехника институтининг кечки ўқув маслаҳат пункти очилди. Ўқув маслаҳат пунктида 5 нафар киши фаолият бошлаган. Улар: маслаҳат пункти мудираси математика фани катта ўқитувчиси

Л.В.Юдина, ўқитувчи Л.С.Лыкова, З.Қодиров, бир нафар методист, бир нафар котибадан иборат бўлган. Кечки ўқув маслаҳат пунктида тўртта: Фуқаро саноат қурилиши, Ноорганик моддалар технологияси, Электр таъминоти, Металл қирқиш ва машинасозлик технологияси мутахассисликлари мавжуд бўлган.

1966 йилда кечки ўқув маслаҳат пункти Тошкент политехника институтининг умумтехника факультетига айлантирилган. Декан этиб т.ф.н., доцент С.М.Рихсиев тайинланган ва Тошкент, Самарқанд ва Бухородаги олий таълим даргоҳларидан ёш олимлар, тажрибали мутахассислар ишга таклиф қилиниб, факультет етук мутахассислар билан таъминлаб борилган.

Шу даврда Навоий умумтехника факультетида бирин-кетин фан соҳалари бўйича кафедралар очила бошлаган. Жумладан, “Ижтимоий фанлар” кафедраси ташкил этилиб, кафедра мудир лавозимига тарих фанлари номзоди А.М.Новодворский тайинланган. Кафедрада рус тили, чет тиллари, тарих, фалсафа, сиёсий иқтисод каби фанлар ўқитилган.

1968-1969 ўқув йилида факультетни доцент Р.А.Абидов бошқарган. Унинг раҳбарлигида ўқув-тарбиявий, маънавий-маърифий ишлар анча такомиллашган, факультетнинг ишлаб чиқариш корхоналари билан алоқалари янада мустаҳкамланган, бир неча янги кафедралар очилган. Жумладан, 1970 йил 1 январдан “Рус ва чет тиллари” кафедраси очилиб, катта ўқитувчи Ф.Ғ.Саидов кафедра мудир этиб тайинланган, “Физика-математика” кафедраси ташкил этилиб, кафедрани физика-математика фанлари номзоди, доцент О.Маманов бошқарган. Бу кафедра таркибига физика, математика, умумий электротехника фанлари киритилган. Кафедрада профессор-ўқитувчилардан Д.Борухов, Ў.Омонов, О.Маманов, Ҳ.Очилов, К.Қосимов, М.Ёдгоров, М.Муҳаммадов, М.Бозоров, Н.Камоловлар

фаолият кўрсатганлар. Яна шу йили “Умумтехника кафедраси” очилиб, унга техника фанлари номзоди, доцент Х.Қориев кафедра мудир этиб тайинланган. Кафедра таркибига назарий механика, материаллар қаршилиги, металллар технологияси, амалий механика ва машина деталлари фанлари киритилган. Кафедрада доцент М.В.Валиев, катта ўқитувчилар: Ҳ.М.Ҳамидов, П.Т.Темиров, ўқитувчилар Т.Юлдошев, Э.Култоев, Х.Алиев, Ш.Алиева ва С.Бобоназаровлар фаолият юритганлар. 1971 йилда “Умумий ва аорганик кимё” кафедраси ташкил этилиб, унга кимё фанлари номзоди, доцент Н.А.Холмуродов кафедра мудир этиб тайинланган. Бу кафедра таркибига умумий кимё, аналитик кимё, физикавий кимё, коллоид кимё фанлари киритилиб, З.Қодиров, И.А.Зыбикова, Н.И.Луговая, А.Колосов каби ўқитувчилар фаолият кўрсатганлар. Кейинчалик “Физика-математика” кафедраси иккига: “Умумий физика” ва “Олий математика” кафедраларига бўлинди. “Умумий физика” кафедрасини О.Маманов, “Олий математика” кафедрасини Ҳ.Очилов бошқарган. “Чизма геометрия ва чизмачилик” кафедраси очилиб, кафедрага А.У.Шомуродов мудир этиб тайинланган. У.Исаев, Н.Мустафина, Н.Лошкина, Ф.Шодиев каби тажрибали ўқитувчилар чизмачилик ва чизма геометрия фанларидан дарс бера бошлаганлар.

1972 йилда Навоий умумтехника факультетига техника фанлари номзоди, доцент А.К.Убайдуллаев декан этиб тайинланган. Иқтидорли, ташкилотчи олим кадрлар салоҳиятига алоҳида эътибор қаратиш билан бирга факультетнинг моддий техника базасини ривожлантириш, янги кўргазмали қуруллар, техника воситаларини олиш, лабораториялар очиш масалаларига асосий эътиборни қаратган. Шаҳарнинг етакчи корхона ва ташкилотлари билан алоқалар ўрнатилган. Факультетда янги кафедралар очилган, жумладан,

“Ма  
У.Ф.  
шаҳ  
мута  
корх  
Техн  
тайин  
этили  
бошқ  
полит  
Фили  
умумт  
техно  
1987-1  
А.Б.А  
тайёрл  
ободо  
ў  
вазирл  
Тошк  
овқат  
1990-1  
А.К.У  
ў  
вазирл  
фили  
кирити

“Машинасозлик технологияси” кафедраси очилиб, доцент У.Ф.Бахронов кафедра мудири этиб тайинланган.

Навоий вилоятида йирик саноат корхоналари ва саноат шаҳарлари қурилиши ҳисобга олиниб, бу корхоналарни қурувчи мутахассис кадрлар билан таъминлаш мақсадида “Қурилиш корхоналарининг назарий асослари” кафедраси ташкил этилган. Техника фанлари номзоди доцент В.В. Демченко кафедра мудири этиб тайинланган. Шунингдек, “Техник механика” кафедраси ташкил этилиб, кафедранинг техника фанлари номзоди, доцент О.Ҳ.Атауллаев бошқарган. Кейинчалик Навоий умумтехника факультети Тошкент политехника институтининг Навоий филиалига айлантирилган. Филиал таркибида 3 та факультет ташкил этилган.

Умумтехника факультетининг доцент О.Ҳ.Атауллаев, Кечки умумтехника факультетининг доцент Н.А.Холмуродов, Кимёвий технология факультетининг доцент У.Ф.Бурхановлар бошқарганлар. 1987-1989 йилларда филиалга кимё фанлари доктори, профессор А.Б.Аловутдинов раҳбарлик қилган. Бу даврда малакали кадрларни тайёрлашга, филиал моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, ободонлаштириш ишларига катта эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1990 йил феврал ва май ойларидаги буйруғига асосан, Тошкент политехника институтининг Навоий филиали Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти таркибига киритилган. 1990-1992 йилларда филиални техника фанлари доктори, профессор А.К.Убайдуллаев бошқарган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1992 йил 29 май 229-сонли буйруғига асосан Навоий филиали Тошкент давлат техника университетининг таркибига киритилган. 1992 йилдан бошлаб Навоий филиалини техника фанлари

номзоди, доцент О.Ҳ.Атауллаев бошқарган. Худди шу йили Зарафшон умумтехника факультети қайта ташкил қилиниб, Навоий филиали таркибига қўшиб берилган. 1995 йил 6 мартдан филиал директори этиб техника фанлари доктори, профессор Б.Р.Раимжанов тайинланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 3 июндаги қарори билан Республикадаги барча олий ўқув юртлари филиаллари тугатилиб, ТошДТУ нинг Навоий филиали Навоий техника коллежига айлантирилган.

Навоий вилоятида айниқса, Навоий кон-металлургия комбинатида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, минерал хом ашё базаларига эга бўлган Қизилқум худудидан ер ости бойликларини қазиб олиш ва қайта ишлаш учун йирик гидрометаллургия корхоналарининг барпо этилиши туфайли кончилик ишлари, металлургия, машинасозлик, энергетика, кимё соҳаси бўйича мутахассисларга эҳтиёж жуда катта эди.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан сўнг, мухтарам Президентимиз Ислон Каримов ва Ўзбекистон ҳукумати маънавий-маърифий соҳадаги ишларни янада такомиллаштириш, Ўзбекистон кон-металлургия саноатини ривожлантиришга ҳисса қўшадиган, етук ва юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш масаласига асосий эътиборни қаратди.

Навоий вилоятида кон-металлургия саноатини янада ривожлантириш, фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш учун зарур бўлган етук мутахассис кадрлар тайёрлайдиган кончилик институти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 7 июл куни “Навоий давлат кончилик институтини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони билан ташкил топди. Шу Фармон асосида 1995 йил 26 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг “Навоий давлат кончилик институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Мустақиллик йилларида “Устоз” (“Истеъдод”) жамгармаси орқали 17 нафар профессор-ўқитувчилар хорижий давлатлар АҚШ, Канада, Франция, Исроил, Жанубий Корея, Сингапур, Австрияда ҳамда 70 дан ортиқ ўқитувчилар Россиянинг етакчи олий ўқув юртлари, Тошкент давлат техника университети, Ўзбекистон Миллий университетида ўз малакаларини оширишди.

Навоий давлат кончилик институти 2001 йилда Европа Иттифоқи TEMPUS-TASIS халқаро фонди гранти совриндори бўлди, “Ўзбекистонда масофадан ўқитиш” номли лойиҳани бажаришда қатнашди. Лойиҳада режалаштирилган ишлар Европа Иттифоқининг етакчи университетлари иштирокида амалга оширилди.

2001-2015 йиллар давомида Навоий давлат кончилик институтининг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари Германия, Италия, Франция, Финландия, Англия, Нидерландия, Дания, Хитой ва Малайзия университетларида замонавий ахборот технологиялари, кимёвий технология йўналишлари бўйича малака ошириб қайтдилар. Лойиҳа давомида чет эллик мутахассислар билан биргаликда масофадан ўқитиш курсларини ташкил қилиш борасида ҳамкорлик қилинди. 2001-2003 йиллар давомида халқаро лойиҳа қатнашчилари томонидан 12 та масофадан ўқитиш курслари яратилди. Online тизимида ишловчи мукамал е-сабоқ электрон платформаси яратилди.

Навоий давлат кончилик институти профессор-ўқитувчилар жамоаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни изчиллик билан амалга ошириб, таълимнинг сифатига алоҳида эътибор қаратиш, профессор ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти ва малакасини янада ошириш, таълим жараёнига янги ахборот ва педагогик технологияларни кенгроқ жорий этиш, ўқув

адабиётларининг янги авлодини яратишни жадаллаштириш, илмий-тадқиқот ишларини айниқса давлат гранти ва хўжалик шартномаси асосида олиб бориладиган ишларни сифати ва ҳажмини ошириш, таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада ривожлантириш, илмий ишлар натижаларини ўқув жараёни ҳамда ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш, иқтидорли талабаларга эътиборни кучайтириш, халқаро алоқаларни ривожлантириш каби вазифаларни муваффақиятли бажариб келмоқда.

Лойиҳа дастурининг бажарилиши давомида Кимёвий технология ва Телематика йўналишлари бўйича реал вақт оралиғида Навоий-Гамбург, Навоий-Твенте, Навоий-Тошкент давлат техника университети видеоалоқалари ўрнатилди. Видеоконференция орқали чет эллик профессорларнинг маърузалари тингланди.

Лойиҳа доирасида Навоий давлат кончилик институтига замонавий масофадан ўқитиш қурилмалари ва компьютерлар келтирилди, лойиҳа маблағи ҳисобидан ахборот технологиялари ва масофавий таълим маркази ташкил этилиб, у зарур жиҳозлар ва малакали кадрлар билан таъминланди. Моддий-техника таъминоти кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришда асосий ўрин тутади. Бугунги кунда институтда 12 та фан доктори, 68 та фан номзоди, доцентлар, 79 та катта ўқитувчи ва 89 та ассистент фаолият юритмоқда. Ҳозирги кунда институтнинг кундузги бўлимида ўқиётган ҳар 5 нафар талабага 1 та компьютер тўғри келади. Институт лабораториялари янги, замонавий ускуналар билан жиҳозланган.

Таълим жараёни билан илм-фан боғлиқлигини ривожлантириш кадрлар тайёрлаш тизимини амалга оширишнинг асосий йўналишларидан биридир. Институтда кейинги йилларда илмий-тадқиқот ишлари янада ривожлантирилди. Давлат гранти бўйича ҳар йили 20 та мавзуда 500 млн. сўмдан ортиқ маблағ молиялаштирилган.

Саноатнинг кон-металлургия, кимё, энергетика, машинасозлик технологияси, автоматлаштирилган бошқарув каби соҳаларида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Хўжалик шартномалари асосида йилига 30 млн. сўмдан ортиқ ҳажмда долзарб мавзуларга бағишланган илмий тадқиқот ишлари бажарилмоқда.

Институт бугунги кунда хориждаги етакчи кон-металлургия соҳасидаги ўқув юртлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Жумладан, Гамбург-Харбург (Германия), Твенте (Голландия) университетлари, Москва давлат кончилик университети, Москва металл ва қотишмалар институти, Москва давлат геология-кидирув университети, Урал давлат техника университети, Томск политехника университети ва ҳоказо.

Навоий давлат кончилик институти шу кунга қадар 4 та халқаро лойиҳаларда иштирок этиб, улардан 2 таси ҳозирда самарали амалга оширилиб келинмоқда.

ТЕМПУС - ТЕРСИД - халқаро лойиҳасида ресурс тежамкор технологиялар асосидаги магистрлик фанлари янгиланиши кўзда тутилган. Лойиҳанинг умумий қиймати 1184372 еврони ташкил этади. Лойиҳада институтнинг “Кимёвий технология” ва “Металлургия” ва “Ўзбек ва чет тиллар” кафедраларининг 4 нафар профессор-ўқитувчиси иштирок этмоқдалар. Европадаги ҳамкор университетлар билан биргаликда 5A320401 – “Ноорганик моддалар кимёвий технологияси (ишлаб чиқариш турлари бўйича)”, 5A310301 – “Металлургия (металл турлари бўйича)” ва 5A311603 – “Фойдали қазилмаларни бойитиш (қазилма турлари бўйича)” магистратура мутахассисликларининг 4 та предмети лойиҳа доирасида Навоий вилоятида жойлашган ишлаб чиқариш корхоналари талаблари доирасида таҳлил қилинди ва лойиҳа иш режасига модернизация қилиш учун киритилди.

Жорий йилнинг апрел ойида институтга ТЕРСИД лойиҳасининг Тошкент Турин политехника университети координатори профессор Франсо Ломбарди иштирокида институтда ТЕРСИД лойиҳаси юзасидан семинар ташкил этилди. Семинарда институтнинг ТЕРСИД лойиҳаси аъзолари, магистрлар, лойиҳанинг ноакадемик аъзолари вакиллари, жумладан, “Навоийазот”АЖ, “Электрокимёзавод” АЖ, Навоий иссиқлик станцияси вакиллари қатнашдилар.

2011 йилдан Навоий давлат кончилик институти халқаро Эрасмус Мундус дастури доирасида АРСАДЕ – лойиҳасида иштирок этмоқда. Лойиҳа қиймати 1.999.750 €. Бу лойиҳанинг мақсади Ўрта Осиё олий таълим муассасалари ва Европа Иттифоқи университетлари ўртасида академик алмашувдан иборат. Лойиҳа доирасидаги танловда институтнинг иқтидорли магистрлари ва профессор-ўқитувчилари иштирок этишмоқда. Лойиҳада Ўзбекистон университетлари жумладан, Бухоро давлат университети, Урганч давлат университети ҳамда Европа Иттифоқи мамлакатларининг 7 та университети қатнашмоқда.

Ушбу лойиҳа доирасидаги танловда институтнинг 4 нафар талабаси ва 1 нафар ўқитувчиси муваффақиятли қатнашиб, Европа университетларида таълим олиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда малака оширишга таклиф қилинди.

ТЕМПУС-МАСН 543922-ТЕМПУС-1-2013-1-СЕ-ТЕМПУС-ЛПСР-“Ўзбекистонда Мехатроника бўйича магистратура ва докторантурани жорий қилиш” лойиҳасини амалга ошириш муддати 2013-2015 йилларга режалаштирилган.

Ўзбекистонда саноатнинг барча соҳалари ишлаб чиқариш тизимининг илғор технологияларга асосланган автоматлаштирилган ва компьютерлаштирилган қурилмалар асосида жадал ривожланиши техника олий ўқув юртлари олдида шу соҳа бўйича мутахассислар

тайёрлаш вазифасини қўймоқда. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш, фан ва технологияларнинг ривожланиб бориши турли соҳалар учун алоҳида меҳатроника мутахассисларини тайёрлашни тақозо этади ва бунинг натижасида ушбу соҳа ривожланишига асос яратилади.

Лойиҳанинг асосий мақсади мавжуд технологиялар ва ривожланиб бораётган меҳатроника соҳасидаги муҳандислик масалаларини еча оладиган янги авлод муҳандисларини тайёрлаш ҳисобланади.

Лойиҳа доирасида жорий йилнинг 30 мартдан 10 апрелига қадар институтнинг 2 нафар профессор-ўқитувчиси Швециянинг Қироллик технология институтида ташкил этилган ўқув курсида иштирок этишиб, малака ошириб қайтишди. Ўқув курсида Меҳатроника мутахассислигига оид 8 та магистратура фанлари бўйича машғулотлар олиб борилди.

Жорий йилнинг август ойида Бельгиянинг Льювен университетида ташкил этилган навбатдаги ўқув курсида институтнинг 2 нафар профессор-ўқитувчилари иштирок этишди. Ўқув курси давомида 3 та фан бўйича интенсив маърузалар ва семинарлар олиб борилди ва бевосита лаборатория машғулотларига жалб қилинди.

Институт ташкил топган йилдан бошлаб бир қатор республика илмий-техникавий конференцияси ўтказилиб келинмоқда.

1997 йилдан бошлаб институтда “Ўзбекистон кончилик хабарномаси” республика илмий-ишлаб чиқариш журнали чоп этилмоқда. Институтда 1996 йилдан буён кончилик мутахассисликлари бўйича Ихтисослашган кенгаш фаолият кўрсатиб, мустақиллик йилларида бу кенгашда 7 та докторлик ҳамда 20 дан ортиқ номзодлик диссертациялари ҳимоя қилиниб, улар бугунги кунда самарали фаолият юритмоқда.

Навоий давлат кончилик институтида техника фанлари доктори, профессор Б.Р.Раимжонов (1995-2005), техника фанлари номзоди, доцент Ш.К.Агзамов (2005-2008), техника фанлари доктори Ў.Ф.Носиров (2008-2011), Ф.И.Саломов (2011-2014) йилларда ректор лавозимида фаолият юритган.


2014 йилнинг апрель ойидан ҳозирги кунга қадар техника фанлари доктори Қ.Санақулов ректорлик лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Навоий давлат кончилик институти жамоаси Қ.Санақулов ва институт проректорлари Б.Мухиддинов, Х.Ахмедов, Б.Мардонов, У.Костаев, Н.Абдуазизовлар раҳбарлигида таълим сифатини ошириш, профессор-ўқитувчилар таркибининг илмий ва маънавий салоҳиятини юқори кўрсаткичларга кўтариш ҳамда етук малакали кадрлар тайёрлаш, кафедраларнинг тегишли таълим ва илмий-тадқиқот йўналишларига мувофиқ, уларнинг ўқув ва илмий-тадқиқот лабораториялари, моддий-техник базасини такомиллаштириб бориш, халқаро ва хорижий ташкилотларнинг бегараз техник кўмаги грантларини жалб қилиш бўйича самарали фаолият юритмоқда.

**II БОБ.**  
**ИНСТИТУТ ФАКУЛЬТЕТЛАРИ**  
**КОНЧИЛИК ФАКУЛЬТЕТИ**

---

---



## КОНЧИЛИК ФАКУЛЬТЕТИ

“Кончилик ва металлургия” факультети 1995 йилда ташкил топган бўлиб, 2002 йилда “Кончилик” факультети номи берилган. Бугунги кунда факультет таркибида 5 та кафедра фаолият кўрсатмоқда. Улар: “Кончилик иши”, “Электр техникаси, электр механикаси, электр технологиялари” (тармоқлар бўйича), “Ноёб ва радиоактив металл рудаларини қазиб олиш, қайта ишлаш техникаси ва технологияси”, “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” ва “Жисмоний маданият” кафедраларидир.

Факультетда Республикамиз мелиоратив қурилиши ишларини ривожлантириш учун турли хил тупроқ шароитида жуда катта миқдордаги ер қазиш ишларини олиб бориш билан узвий боғланган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Гидротехник иншоотлар ҳосил қилиш самарадорлигини ошириш айна пайтда иншоотлар мустаҳкамлигини узоқ муддатга таъминлаб берадиган портлатиш ишларини олиб боришни талаб қилмоқда. Қўйилган вазифаларни бажариш учун оқувчан кумли тупроқларда меҳнат сарфини камайтирувчи, зарядлар портлатиш даражаси ишончлилигини оширувчи ҳамда узайтирилган ўйиқ ён деворлари ва тагини олдиндан физик-кимёвий усуллар билан зичлаштирилган, улоқтиришга мўлжалланган траншеяли зарядларни портлатиб узайтирилган ўйиқлар ҳосил қилишнинг янги усуллари асослаш ва ишлаб чиқиш борасида илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Факультетда кон қазиб олувчи корхоналарга қаттиқ тоғ жинсларига кўп қайтарилувчан юклама асосида чарчоқли юмшатиш ҳамда тоғ жинсларига физик-кимёвий таъсир эттириб юмшатиш холларда, портлатиш ишларининг янги технологияси оптимал

параметрларини аниқлаш каби долзарб мавзуларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Бугунги кунда Республикамизда кон саноатининг жадал суръатларда ривожланиб бориши жамоа олдига жиддий вазифаларни қўймоқда. Жумладан, давр талабига жавоб берадиган билимли ёш кадрларни саралаш ва уларни илмий соҳага жалб этиш яхши йўлга қўйилган. Иқтидорли талабалар кафедраларнинг тажрибали профессор-ўқитувчилари раҳбарлигида факультетда олиб борилаётган грант ва хўжалик шартномаларига ҳамда илмий ишларга жалб қилинган.

Факультетда Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд Давлат университети, Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузуридаги М.Т.Ўрозбоев номидаги механика ва иншоотларни сейсмик мустаҳкамлиги институти, Кибернетика институти, Самарқанд ва Мурунгов геология-разведка экспедициялари, Навоий кон-металлургия комбинати, Олмалик кон-металлургия комбинати, “Қизилқумцемент” ҳиссадорлик жамияти, “Кўмир” ҳиссадорлик жамияти, “Гранит” ҳиссадорлик жамияти, Ўрта Осиё қурилиш давлат бирлашмаси ҳузуридаги СМК-5 корхоналари билан илмий тадқиқот ва ўқув-услубий ишлари юзасидан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Факультетда бугунги кунда бакалавр таълим йўналишларида 900 нафарга яқин талабалар таҳсил олмоқда.

Ҳозирда факультетда жами 65 нафар профессор ўқитувчилар фаолият юритмоқда. Шулардан 2 нафари фан доктори, 19 нафар фан номзоди, 22 нафар катта ўқитувчи, 22 нафар ассистентлар бўлиб, талабаларга сабоқ бериб келмоқдалар.

Факультет жамоаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантириш қўмитаси томонидан ўтказилган танловда (2012-2016 йилларга

мўлжалланган) ғолиб чиқиб, 2 та фундаментал, 6 та амалий лойиҳалар асосида илмий тадқиқот ишларини бажармоқда. 2012-2013 ўқув йилида факультетнинг иқтидорли талабалари Раупов Шохрух ва Ширинов Аслиддин Италиянинг Турин политехника институтида, 2013-2014 ўқув йилида эса Тошнӣёзов Лазизжон АҚШ Айдахо штатининг Огайо университетида таҳсил олиб қайтди.

Кончилик факультетида профессор С.А.Абдурахмонов (1995-2000), т.ф.д. Ю.Д.Норов (2000-2004), доцент У.Р.Инамов (2004-2005), доцент А.М.Махмудов (2005-2009), доцент И.Т.Мислибоев (2010-2013) йилларда декан лавозимида фаолият юритганлар. 2013 йил сентябр ойидан бошлаб бугунги кунга қадар факультет жамоаси декан т.ф.н, доцент Л.Н.Атакулов раҳбарлигида фан ва технология ютуқлари асосида юқори малакали кадрларни тайёрлашда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқдалар.

## КОНЧИЛИК ИШИ КАФЕДРАСИ

1995 йилда Навоий давлат кончилик институтининг таркибида “Кончилик ишлари” ва “Металлургия” кафедраси ташкил этилган. 1997 йил сентябрь ойидан ушбу кафедра базасида икки йўналиш “Кончилик ишлари” ва “Металлургия” йўналишлари ташкил топди.

Кафедра бугунги кунда “Кончилик иши” номи билан номланиб, 2011 йилдан бошлаб кафедрага т.ф.н., доц. А.Б.Тўхташев мудирлик қилмоқда.

Кафедра томонидан 5311600 - “Кончилик иши” йўналиши бўйича бакалаврлар ва 5A311601 – “Фойдали қазилма конларини қазилмоқда” мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрланади.

Кафедра профессор-ўқитувчилари жамоаси иштирокида 2014 йилда давлат гранти асосида 4 та, 2015 йилда 2 та мавзу бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. Жумладан:

1. A13-006 “Чуқур конларда портлатиш ишларининг физик-техник параметрларини асослаш”;
2. A13-015 “Уранни бойитишда нитратли-кислотали эритмалардан ренийни ажратиш олиш технологиясини ишлаб чиқиш”;
3. A13-018 “Шартли чекланган руда жисмлари конларини қазилмоқда руда оқимини шакллантириш усуллари ва муҳитини ишлаб чиқиш”;
4. A13-007 “Фаол-юза моддалари эритмасини қўллаш орқали портловчи моддалар қудукли зарядлари портлашидан тоғ жинслари (зичлиги) мустаҳкамлигини кучсизлантириш (бўшаштириш) усулини ишлаб чиқиш”;
5. A13-011 (A13-028) “Қизилкум минтақаси конларини очик усулда қазиб олганда технологик жараёнларни жадаллаштириш”;

6. A13-020 “Маҳаллий реагентлар ёрдамида мураккаб таркибли Қизилқум олтин рудаларини қайта ишлашнинг рационал технологиясини яратиш” мавзуларида давлат бюджети асосида илмий - тадқиқот ишлари бажарилди.

Шунингдек, кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан 2015 йилда НКМК билан “Проведение полупромышленного испытания руды Даугызтау и Кокпатас с использованием традиционных и местных реагентов” ва “Разработка способа и создание опытно-промышленной установки скоростного обжига по переработке природного сульфидного сырья и промпродуктов” мавзулари бўйича хўжалик шартномалари тузилиб, бу борада ҳам ишлар олиб борилмоқда.

Кафедра профессор-ўқитувчиларининг илмий-услубий фаолияти давомида 20 та ўқув қўлланма, 40 га яқин услубий ишлар, 200 дан ортиқ илмий мақолалар chop этилган.

## **ЭЛЕКТР ТЕХНИКАСИ, ЭЛЕКТР МЕХАНИКАСИ ВА ЭЛЕКТР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ КАФЕДРАСИ**

Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари” кафедраси 2001 йил сентябр ойида “Кончилик ишлари” кафедрасидан ажратилиб ташкил этилган. Мазкур кафедра дастлаб “Энерго-механика” факультетининг базавий кафедраси ҳисобланган.

2002-2003 ўқув йилида кафедра Кончилик факультети таркибига ўтказилди. Кафедра икки йўналиш бўйича :кон механик ускуналарини ишлатишнинг самарадорлигини ошириш; кончилик саноатида ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш бўйича илмий изланиш ишларини олиб бормоқда.

Ҳозирги кунда кафедра жамоаси давлат гранти асосида “Физик кимёвий таъсир этиш билан массивни бўшаштириш орқали очик кон ишларида портлатиш усулларининг янги самарали усулларини ишлаб чиқиш ва асослаш” мавзусида илмий-тадқиқот ишларини олиб бормокда.

Кафедрага ўқув жараёнини такомиллаштириш мақсадида НКМК дан етакчи мутахассислар ўриндошлик асосида ишга таклиф этилган.

Кафедрада тайёрланаётган таълим йўналишлари талабаларига кафедранинг малакали ва илмий салоҳиятли профессор ўқитувчилари дарс машғулотларини олиб борадилар. Кафедра ташкил бўлганидан буён кўплаб мутахассислар тайёрланиб, улар бугунги кунда Навоий кон-металлургия комбинатининг турли жабҳаларида фидокорона меҳнат қилиб, Республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришга ўз хиссаларини қўшмоқдалар.

Бугунги кунда кафедра Навоий кон-металлургия комбинатидаа ўз филиалига эга. Бунда талабаларнинг мутахассислик фанларидан билимларни мукамал эгаллашлари учун, фанларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда ўрганишга эришилмокда.

Кафедрада 10 га яқин ишлаб чиқариш корхоналари билан малакавий амалиётларни ташкил қилиш бўйича шартномалар тузилган.

Кафедра жамоаси илмий услубий фаолияти давомида кафедра мудири доцент Б.Тошев раҳбарлигида 1 та дарслик, 1 та ўқув қўлланма, 2 та монография, 3 та патент, 50 дан ортиқ ўқув-услубий қўлланма ва кўрсатмалар, 150 дан ортиқ илмий мақола ва тезислар чоп эттирган.

Кафедра профессор ўқитувчилари томонидан 4 та давлат гранти бажарилиб келинмокда. Улардан икkitаси фундаментал ва 2 таси

амалий давлат гранти бўлиб, амалий грант 2012-2014 йилларда бажарилди.

Бундан ташқари кафедрада НКМК корхоналари муаммоларини ечишга багишланган инновацион гуруҳлар мавжуд бўлиб, гуруҳ аъзолари томонидан НКМК МКБ муаммоларидан бири бўлмиш “Майдалаш ускуналарини тоғ жинси билан автоматик равишда равон юклаш ва маъдан оқимидан металл элементларни ажратиб қолиш учун усуллар ва мосламаларни ишлаб чиқиш” мавзуси бўйича ҳам илмий-тадқиқот ишлари бажарилмоқда. Илмий-тадқиқот ишлари натижасида 5 та битирув малакавий иши ва 2 та магистрлик диссертацияси тайёрланди.

Шу гуруҳ аъзолари иштирокида НКМК 5-КБ муаммоларини ўзида акс эттирувчи “Фойдали қазилмани ер остида ишқорлаб қазиб олиш технологиясида ботирилувчи насослар электр юритмалари иш режимини асослаш ва самарадорлигини ошириш” мавзусида ҳам ишлар олиб борилмоқда.

Бу мавзу атрофида 2 та битирув малакавий иши ва 2 та магистрлик диссертацияси тайёрланди, ҳимоя қилинди ва бир неча мақолалар чоп эттирилди.

Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан иқтидорли талабаларнинг Республика фан олимпиадаларига иштироки таъминланмоқда. Бу борада 2004 йилдан буён институтда “Назарий механика” фанидан Республика фан олимпиадасининг II босқичи ўтказилиб келинмоқда. Шу кунгача институт талабаларидан 9 нафари Республикада “Назарий механика” фани бўйича олимпиадада биринчи ўринни эгаллашди ва биринчи даражали диплом билан тақдирландилар. Шу билан бирга, янги қурилаётган лаборатория хоналари ва уни замонавий жиҳозлар билан

таъминлаш борасида ҳам бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда.

Кафедра Республикамизнинг нуфузли олий ўқув юртларидан Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат техника университети, Тошкент автомобиль йўллар институти ва Россия Федерациясининг Москва пўлат ва қотишмалар институти, Урал давлат кончилик университети, Санкт-Петербург давлат кончилик университети ҳамда Республикамизнинг ишлаб чиқариш корхоналари билан илмий алоқаларни йўлга қўйган.

## **НОЁБ ВА РАДИОАКТИВ МЕТАЛЛАР РУДАЛАРИНИ ҚАЗИБ ОЛИШ, ҚАЙТА ИШЛАШ ТЕХНИКАСИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ КАФЕДРАСИ**

2011 йил ноябрда “Ноёб ва радиоактив металл рудаларини қазиб олиш, қайта ишлаш техникаси ва технологияси” кафедраси ташкил этилди. Кафедра мудирини этиб Илҳом Каримов тайинланган.

НКМК 1-ГМЗ, 5-КБ конида кафедранинг филиаллари ташкил қилинган бўлиб, у ишлаб чиқариш билан ўқув жараёнини интеграцияси самарадорлигини янада ошириш жараёнида муҳим аҳамият касб этмоқда. НКМК корхоналарида талабаларни дуал тизим асосида ўқитиш йўлга қўйилган ва уларнинг тажриба майдонларида ўқув машғулотларини ўтказиш учун барча шароитлар яратилган.

Кафедра негизида 2014-2015 ўқув йили жараёнида “Фойдали қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси” (қаттиқ қазилмалар) йўналиши ташкил этилиб, бу йўналишга илк талабалар гуруҳи қабул қилинди. Кафедранинг профессор-ўқитувчилари 20 дан ортиқ ўқув, 30 дан ортиқ илмий-услубий ишларни амалга оширмоқда.

## ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ КАФЕДРАСИ

Кафедра 1995 йилда институтнинг Кимё-технология факультетида «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш» кафедраси номи билан ташкил қилиниб, унга т.ф.н. Ж.Р.Ўғлонов қисқа муддат мудирлик қилган. Бу даврда кафедрада асосан экология ва атроф-муҳит муҳофазасига доир фанлар ўқитилган.

1998 йил кафедра Кон-металлургия факультетида «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» номи билан қайта ташкил топган. Ўша йиллари кафедра «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» номи билан юритилса-да, унинг йўналиши анча кенг бўлиб, унда «Инженерлик коммуникациялари қурилиши» йўналиши бўйича бакалавриат гуруҳлари ҳам ўқитилган.

Кафедрада давлат гранти асосида А 4-012 «Разработка новых способов производства массовых взрывов для снижения техногенного воздействия на окружающую среду в глубоких карьерах» илмий лойиҳа ишлаб чиқилган ва иш бажарилган.

Кафедра илмий фаолиятининг бош мавзуси «Ташқи муҳитнинг экологик ҳолатига техноген таъсир кучайиб бораётган ҳозирги шароитда инсон ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлашни тадқиқ қилиш» бўлиб, профессор-ўқитувчилар томонидан чоп этилаётган илмий ва услубий ишлар шу мавзу доирасида амалга оширилади. Ҳозирги кунда кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан НКМК билан 89 миллион сўмлик хўжалик шартномасини имзоланиб, НКМК илмий техник кенгашига ўз илмий тадқиқот мавзулари ва таклифларини беришган.

Кафедрада иқтидорли талабалар билан ишлаш бўйича салмоқли ишлар олиб борилмоқда, жумладан «Ёш эколог» ва «Санитар пост аъзолари» тўғараги фаолият кўрсатмоқда.

Кафедрада “Маҳаллий хом-ашёдан тайёрланган композицион материалларнинг металллар коррозиясига қарши қўлланиши” мавзусида маъруза ва тақдимот материаллари тайёрланган.

Кафедра профессор-ўқитувчилари кафедра мудири Ш.Бобоев раҳбарлигида 60 дан зиёд ўқув ва услубий қўлланма, услубий кўрсатмалар ва 100 дан ортиқ илмий мақолалар, тезислар тайёрланиб чоп эттирган.

## **ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ КАФЕДРАСИ**

Кафедра 1995 йил июлда ташкил этилган. Кафедра жамоаси фаолияти давомида талабаларга жисмоний маданият ва спорт фанидан дарс бериш билан бирга уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёшлар қалбига Ватанга садоқат туйғусини, жисмоний маданият ва соғлом турмуш тарзини сингдириш, кучлилиқ, тезкорлик, чаққонлик ва чидамлилиқ каби жисмоний сифатларини ошириш, талабаларнинг бўш вақтларида спорт билан шуғулланишга жалб қилиш мақсадида фаолият олиб боради.

Кафедра профессор-ўқитувчиларининг саъй-ҳаракатлари ва талабалар билан ишлаши, машғулотлар ўтказиши самараси ўлароқ, институтимиз талабалари 2007 йил Тошкент шаҳрида ўтказилган "Универсиада-2007" мусобақасида 5 та олтин, 6 та бронза, 8 та кумуш медалларини қўлга киритишди.

2010 йил Андижон шаҳрида ўтказилган "Универсиада-2010" мусобақаларининг финал босқичида баскетболчи йигитлар, қўл тўпи кизлар жамоаси иштирок этди.

Қизикарли ўтган спорт мусобақаларнинг умумий натижасига кўра, Навоий вилояти жамоаси Тошкент ва Андижон шаҳарларидан кейин 3-ўринни эгаллади ва муҳтарам Президентимизнинг мукофотлари "Дамас" автомобили билан тақдирланди.

Сузиш бўйича 2 курс магистри Пётр Ромашкин "Универсиада-2013" спорт мусобақасида 4 та олтин ва 2 та кумуш медалларини қўлга киритди.

Шунингдек, сузиш бўйича 2 курс магистри Иброҳим Назаров "Универсиада-2013" спорт мусобақасида 3 та олтин ҳамда 2 та кумуш, 1 та бронза медаллари соҳиби бўлди.

Бугунги кунда кафедра жамоаси юртимизда спортга бўлган катта эътиборни чуқур ҳис қилиб, бу борада бир қанча спорт тўғаракларини ташкил қилиб, талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида кўплаб маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиб келмоқда.

Навоий вилояти терма жамоасида институтимиз талабалари спортнинг волейбол тури бўйича фахрли 3-ўринни олди, терма жамоаси таркибида иштирок этган 1 курс талабаси Фариза Уразалиева фаол иштирок этиб, бронза медали билан тақдирланди.

Институт 4 курс талабаси Шавкат Ойназаров спортнинг стол тенниси бўйича "Юқори техникаси ва тартибли ўйини" номинацияси ғолиби бўлди.

Шунингдек, кафедра профессор ўқитувчилари кафедра мудири М.Тўракулов раҳбарлигида педагогик фаолиятлари давомида 20 дан ортиқ услубий, 30 дан ортиқ илмий мақолаларни чоп эттиришган.

## ЎЗБЕК ВА ЧЕТ ТИЛЛАР КАФЕДРАСИ

1970 йил 1 январдан “Рус ва чет тиллар” кафедраси ташкил топган ва кафедрани катта ўқитувчи Ф.Г.Саидов бошқарган. Дастлаб кафедрада 5 нафар ўқитувчи фаолият юритган. 1987-1992 йилларда кафедра “Умумтаълим фанлари” номи билан атала бошлаган. 1993 йилда кафедра иккига бўлинган. “Тиллар” кафедрасига доцент Ф.Г.Саидов, “Ўзбек ва рус тиллар” кафедрасига доцент М.Равшановлар кафедра мудирлари этиб тайинланганлар. 1996 йилда иккала кафедра бириктириб, “Ўзбек ва чет тиллари” кафедраси деб ном олган. 2014 йилдан кафедрани катта ўқитувчи И.Ю.Эргашев бошқариб келмоқда.

Бугунги кунда кафедрада ўзбек тили, рус тили, инглиз тили, француз тили, немис тили фанларидан талабаларга сабоқ бериб келмоқдалар. Кафедрда янги классификаторга мувофиқ, чет тилини ўрганишга қўйилган замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда магистратура мутахассисликлари бўйича намунавий дастур ишлаб чиқилган. Шунингдек, фанлар бўйича ўқув-услубий мажмуалар ҳамда фанларнинг инновацион таълим технологияларига асосланган услубий қўлланмалари тайёрланган. Кафедрда “LUCK” иқтидорли талабалар илмий тўғараги катта ўқитувчи Р.Эргашева раҳбарлигида фаолият олиб бормоқда.

Кафедра катта ўқитувчиси Г.Нурматова 2015 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги томонидан эълон қилинган “Йилнинг энг яхши педагоги” кўрик танловининг институт босқичида фахрли 1-ўринни эгаллаб, Республика кўрик танловида қатнашиб ғолибликни қўлга киритди.

Институтда талабаларни хориж тилларини ўрганишга бўлган кизиқишини ошириш мақсадида институт миқёсида ҳар йили анъанага айланган “Ёшлар фестивали” ўтказилиб келинади.

Кафедра доценти М.Равшанов 2004 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармаси гранти бўйича Болгария Республикасининг Варна шаҳрида, 2004 йил Хитой ХХРнинг Шанхай университетида коммуникацион технологиялар бўйича малака ошириб келди. Кафедра катта ўқитувчиси И. Эргашев 2002 йил Германиянинг Гёте институти орқали Бохум шаҳрида, 2008 йилда Маннхайм шаҳрида 3 ҳафталик малака ошириш курсларида ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармаси орқали Малайзиянинг Мара университетида малака ошириб келди. Кафедра катта ўқитувчиси Г. Нурматова 2012 йилнинг октябр, ноябр ойларида Темпус лойиҳасини “АРСАДЕ” дастури доирасида Буюк Британиянинг Кардиф университетида филология йўналиши бўйича ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармаси грантини қўлга киритиб, жорий йилда Англиянинг Норвич “Тил ўргатиш” институтида малака ошириб келди. Кафедра жамоаси кон металлургия соҳаси учун етук мутахассисларни етиштиришда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқда.

# ЭНЕРГО-МЕХАНИКА ФАКУЛЬТЕТИ

---



## ЭНЕРГО-МЕХАНИКА ФАКУЛЬТЕТИ

Энерго-механика факультети институтнинг асосий факультетларидан бири бўлиб, 1995 йил июлда ташкил этилган.

1995-2003 йилларда факультет декани лавозимида техника фанлари номзоди Р.Аблаев, 2003-2004 йилларда доцент У.Инамов, 2004-2007 йилларда доцент К.Шеров, 2007-2010 йилларда доцент Б.Мардонов, 2010 йил сентябрдан ҳозирги кунгача п.ф.д. проф С.Бозорова фаолият кўрсатмоқда.

Факультет таркибида “Электр энергетикаси”, “Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришни жиҳозлаш ва автоматлаштириш”, “Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқарув” ҳамда “Умумий физика” кафедралари мавжуд.

Факультетда ҳозирги кунда 750 нафарга яқин талабалар таҳсил олмоқда. Энерго-механика факультетида 5310100 “Электр энергетикаси, 5320200 “Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришни жиҳозлаш ва автоматлаштириш”, 5311000 “Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқарув” таълим йўналишлари ва 5A320201 “Машинасозлик технологияси ва жиҳозлари” ҳамда 5A311001 “Технологик жараёнларни ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш” йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланади. Факультет битирувчилари мамлакатимизнинг кончилик, машинасозлик ва энергетика соҳаларида ҳамда олий ва ўрта махсус таълими тизими муассасаларида, шунингдек, турли илмий текшириш институтларида фаолият кўрсатмоқдалар.

Факультетда 46 нафар профессор-ўқитувчилар фаолият юритиб, уларнинг 2 нафари фан доктори, профессор, 17 нафари фан номзоди, доцентлар ҳамда 27 нафари катта ўқитувчи ва ассистентлардир. Таълим ва ишлаб чиқариш узвийлигини таъминлаш мақсадида, 2002 йил сентябр ойида Навоий машинасозлик заводи ИЧБ базасида “Машинасозлик

технологияси“ кафедрасининг филиали, 2004 йил сентябр ойидан эса Навоий электр тармоқлари корхонасида “Электр энергетикаси” ҳамда Навоий машинасозлик заводида “Автоматлаштирилган бошқарув ва информацион технологиялар” кафедраларининг филиаллари ташкил этилган.

Энерго-механика факультети мамлакатимизнинг нуфузли олий ўқув юртлари, шунингдек, чет мамлакатлар, яъни Швеция, Бельгия, Россия, Қозоғистон каби давлатларнинг илмий муассасалари билан илмий-педагогик тажриба алмашиб келмоқда.

Факультетда Халқаро ЭРАСМУС МУНДУС дастурининг АРСАДЕ лойиҳаси доирасида Европа университетларида ўқишни давом эттириш мақсадида “Талаба алмашинув” дастури гранти ғолиблигини қўлга киритган факультетнинг 2 нафар талабаси Италиянинг Турин политехника университетида “Машинасозлик технологияси” йўналиши бўйича таълим олиб қайтди. Институтда “Мехатроника” бўйича магистратура йўналишини очиш учун факультетнинг икки нафар ўқитувчиси Швециянинг Стокгольм шаҳридаги Қироллик техника университетида малака ошириб келди.

Айни пайтда таълим олаётган иқтидорли талабалардан 2013 йилда 2-12 ЭЭ гуруҳи талабаси Т.Саъдуллаев “Юрт келажаги” Республика иқтидорли ёшлар танловининг вилоят ва Республика босқичида “Техник ишланмалар” номинацияси бўйича қатнашиб, фахрли 1-ўринни эгаллади. 2014 йилда 2-12 ЭЭ гуруҳи талабаси А.Хўжаев “Юрт келажаги” Республика иқтидорли ёшлар танловининг вилоят босқичида “Техник ишланмалар” номинацияси бўйича қатнашиб, фахрли 1-ўринни эгаллади ва Қарши шаҳрида ўтказилган Республика босқичи совриндорига айланди.

2015 йилда кафедранинг иқтидорли талабаси А.Хўжаев “Юрт келажаги” Республика иқтидорли ёшлар танловининг Республика босқичи ғолиби бўлди.

Бугунги кунда факультет жамоаси мустақил Ўзбекистонимизнинг машинасозлик, электр-энергетика соҳасига оид мутахассисларни етиштиришда фаол хизмат қилиб келмоқда.

## ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАСИ КАФЕДРАСИ

1972 йилда Тошкент политехника институтининг “Умумий техника” факультети “Мустақил физика” кафедраси ташкил этилган. Кафедра мудири этиб, т.ф.н. доцент С.А.Раковицкий тайинланган. 1983 йилда “Умумий техника” кафедрасидан “Энергетика ихтисосликлари” кафедраси ажралиб чиққан. 1988 йилда Тошкент политехника институтининг Навоий филиали Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологиялари филиалига айлантирилган.

1995 йил ноябр ойидан бошлаб кафедра “Электр таъминоти” деб юритила бошлаган.

2000 йил “Электр таъминоти” кафедраси таркибига “Умумий ва назарий электротехника” кафедраси киритилган. 2003 йил март ойида “Электр таъминоти” кафедраси таркибидан “Автоматлаштириш ва бошқарув” кафедраси ажралиб чиқди. Бугунги кунда кафедра “Электр энергетикаси” кафедраси номи билан фаолият юритиб келмоқда.

“Электр энергетикаси” кафедраси жамоаси кафедра мудири доцент А.Тавбаев раҳбарлигида 2009 - 2011 йилларга мўлжалланган 15 млн сўмлик К6-018 рақамли “Маҳаллий хом-ашёдан ўтга чидамли газлама олишнинг самарали технологияларини яратиш” мавзусида давлат гранти асосида, 2012-2013 йилларга мўлжалланган Ёш олимлар илмий-техник дастури лойиҳаси асосида ЕФ2-003-“Исследование и установление закономерностей потребления энергоресурсов и прогноз энергопотребление обогатительных процессов горно-металлургических предприятий и разработка моделей систем оптимального энерго и ресурсо сберегающего управления режимами их работы” мавзусида йиллик 22 миллион сўмлик илмий тадқиқот ишларини амалга оширган.

2013 йилда кафедра доценти Б.Х. Шойматовнинг ёш авлодни таълим-тарбиясига қўшган ҳиссаси ва фаолияти муносиб баҳоланиб, Президентимизнинг фармонига кўра “Дўстлик” ордени билан мукофотланди.

2009 йилда Навоий электр тармоқлари корхонасида, 2012 йилда Навоий кон-металлургия комбинати давлат корхонаси тармоқ цехларига қарашли 5-кичик станцияда кафедранинг филиаллари ташкил этилди ва ҳозирги кунда фаолият юритиб келмоқда.

Кафедра ишлаб чиқариш корхоналари, жумладан Навоий электр тармоқлари ОАЖ ва Навоий иссиқлик электр станциялари билан ҳамкорлик қилиб, кафедрада ўқитиладиган мутахассислик фанлари-иссиқлик энергетик қурилмалари, гидроэнергетик қурилмалари, станция ва станция шахобчасининг электр қисми, энергия тежамкорлик асослари каби фанлардан тажриба машғулотларини “Дуал” тизими асосида ташкил этилган филиал тажриба хонасида ишлаб чиқариш билан боғлаган ҳолда олиб бориш йўлга қўйилган.

## **МАШИНАСОЗЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА МАШИНАСОЗЛИКДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ КАФЕДРАСИ**

1975 йил Навоий шаҳрида Тошкент политехника институтининг кечки факультети очилиб, 0501-“Машинасозлик технологияси, металл қирқувчи дастгоҳлар ва асбоб-ускуналар” ихтисослиги бўйича талабалар ўқитила бошлаган ва бу ихтисослик “Умумтехника фанлари” кафедраси таркибида бўлган.

1981 йилдан бошлаб 0501-“Машинасозлик технологияси, металл қирқувчи дастгоҳлар ва асбоб-ускуналар” ихтисослиги бўйича механика муҳандислари етишиб чиқа бошлаган.

1981 йилда “Умумтехника фанлари” кафедраси иккига бўлиниб, “Тадбиқий механика” ва “Машинасозлик технологияси” кафедраси

ташкил топган. Кафедрага биринчи бўлиб техника фанлари номзоди, доцент Н.Ш. Мухитдинов мудирлик қилган.

1996-1997 ўқув йилидан бошлаб кафедра номи “Технологик машина ва ускуналар” бўлиб ўзгартирилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда етишиб чиққан мутахассислар мустақил Ўзбекистонимизнинг етакчи ишлаб чиқариш тармоқларида раҳбар лавозимларида фаолият кўрсатиб келмоқда. Кафедрада 2009 йилдан давлат грантлари бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда, 2012 йилдан янги 3 йиллик грант АЗ-059 “Кесувчи асбобларнинг турғунлигини ва ишлов берилган юза сифатини ошириш” мавзусида иш олиб борилди. Охириги 3 йил ичида 3 та номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинди. Навоий машинасозлик заводи ишлаб чиқариш бирлашмасида мазкур кафедранинг филиали мавжуд. Бу филиал замонавий базага эга бўлиб, амалий тайёргарлик маркази энг замонавий дастур орқали бошқариладиган 5 та дастгоҳлар билан таъминланган. Филиалда заводдаги замонавий лаборатория билан фойдаланиш имконияти яратилган.

Бугунги кунда кафедра мудирлари т.ф.н., доцент И.Эгамбердиев раҳбарлигида кафедра профессор-ўқитувчилари самарали меҳнат қилиб, улар томонидан кўплаб услубий ва илмий мақолалар чоп этирилган.

## **ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАР ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ ВА БОШҚАРИШ КАФЕДРАСИ**

Ишлаб чиқариш объектларни автоматлаштириш ҳамда самарали бошқариш соҳасида малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида 2003 йилда Навоий давлат кончилик институти таркибида “Автоматлаштириш ва бошқариш” кафедраси ташкил этилди. Кафедра мудирлари этиб техника фанлари номзоди, доцент З. О.Эшмуродов тайинланди.

2004 йилнинг сентябрь ойидан институтнинг “Информатика” кафедраси билан “Автоматлаштириш ва бошқарув” кафедраси

бирлаштирилиб, кафедра “Автоматлаштирилган бошқарув ва ахборот технологиялари” номи билан аталди.

2011-2012 ўқув йилида янги таълим йўналиши, яъни “Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш” таълим йўналиши бўйича талабалар қабул қилиниши муносабати билан кафедранинг номи “Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш” деб қайта номланди, кафедра мудирининг лавозимида профессор М.Бозоров фаолият юритмоқда.

2011 йил сентябрдан бошлаб кафедрада “Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш” (тармоқлар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрланди. Шу йиллар давомида 16 нафар магистратура талабалари 5A311001-“Технологик жараёнлари ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш” мутахассислиги бўйича магистрлик диссертацияларини ҳимоя қилишди.

2013 йилдан бошлаб эса “Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш” ихтисослиги бўйича кафедрада катта илмий ходим изланувчилар тайёрлана бошланди.

Кафедра томонидан ўқитиладиган таълим йўналишининг бир гуруҳ талабалари Беруний номли давлат стипендияси совриндорлари бўлишган ва Республика фан олимпиадаларида ҳам совринли ўринларни эгаллашган.

Кейинги 5 йилда кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан 4 та монография, 1 та дарслик, 7 та ўқув қўлланма, 50 дан ортиқ услубий қўлланма, 200 дан ортиқ илмий мақола ва тезислар эълон қилинган.

“Электрон ҳисоблаш машиналарини кимё технологиясида қўллаш” номли дарслик 2011 йилда “Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти” Республика танловининг голиби бўлиб, Олий ва ўрта махсус таълими ва Халқ таълими вазирликларининг ҳамда “Истеъдод” жамғармасининг 1- даражали дипломи билан тақдирланган.

Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кейинги йилларда бир нечта амалий, фундаментал ва инновацион лойиҳалар бажарилиб келинмоқда.

Кафедра профессор-ўқитувчилари Республикамиздаги бир қанча олий ўқув юртлари, жумладан Бухоро муҳандислик-технология институти, Тошкент давлат техника университети, Тошкент кимё технология институти, Ўзбекистон Миллий университети ҳамда ҳамдўстлик давлатлари олий ўқув юртлари, яъни Россия Федерацияси Фанлар академияси Сибирь бўлими “Ҳисоблаш технологиялари” институти, Новосибирск давлат техника университети билан ҳамкорликда илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

## УМУМИЙ ФИЗИКА КАФЕДРАСИ

1971 йилда “Физика-математика” кафедраси ташкил қилиниб, унга доцент Ҳ.Очилов кафедра мудир қилиб тайинланган.

1973 йилда “Физика” кафедраси ташкил қилиниб, доцент С.Л.Раковицкий кафедра мудир этиб тайинланган.

Мустақиллик йилларида кафедрада бир қанча ишлар амалга оширилди. С.Бозорова ва Н.Камоловлар томонидан ёзилган “Физика” (оптика, атом ва ядро физикаси) дарслиги 2009 йилда Республика танловида “Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи” II-даражали диплом билан тақдирланди. Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан 60 дан ортиқ илмий мақола, 40 дан ортиқ ўқув-услубий қўлланма ва 50 дан ортиқ илмий-амалий анжуманларда тезислар чоп этилди.

“Умумий физика” кафедраси бугунги кунда кафедра мудир доцент Ж.Назаров раҳбарлигида ТошДТУ, ЎзМУ, ТошДПУ, СамДУ, БухДУ ҳамда ЎзРФА Ядро физикаси институти, “Физика-Қуёш” ИИЧБ Физика-техника институти, Электроника институти билан илмий ҳамкорлик алоқаларини олиб бормоқда.

## КИМЁ-МЕТАЛЛУРГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

Факультет 1995 йил июлда Навоий давлат кончилик институти таркибида Кимё-технология номи билан ташкил этилган. Факультетни 1995-1999 йилларда к.ф.д., профессор Б.Ф.Мухиддинов бошқарган. Шу даврда факультетнинг моддий-техник базаси тубдан янгиланди ва кадрлар салоҳиятини оширишга эътибор қаратилди. 1999 йилда к.ф.н., доцент Т.Т.Хасанов факультет декани лавозимида ишлади. Шу қисқа муддат ичида Т.Т.Хасанов меҳнатсеварлиги, талаба ёшларга ғамхўрлиги билан институтда кўзга ташланди.

1999-2000 йилларда факультетда Н.У.Икромов декан лавозимида фаолият кўрсатди.

2000-2002 йилларда факультетни т.ф.н., Х.Ш.Бахронов бошқарди. 2002-2004 йилларда т.ф.д, профессор С.А.Абдурахмонов раҳбарлик қилди.

2004-2006 йилларда т.ф.н. Х.Бахронов, 2006-2007 йилларда к.ф.д., профессор И.Исмоилов, 2007-2010 йилларда т.ф.н., доцент Д.Холикулов, 2010-2011 йилларда Н.Икромов, 2011-2015 йилларда доцент Ў.Мардонов факультет декани лавозимида фаолият юритди. 2015 йил май ойидан бошлаб Ш.Атамуродов вақтинча декан вазифасини бажариб келмоқда. Факультет таркибида: “Металлургия”, “Кимё ва кимёвий технология”, “Иқтисодиёт ва менежмент”, “Олий математика”, “Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедралари фаолият юритиб келмоқдалар.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиб борилаётган ҳозирги кунда фан билан ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантириш, ишлаб чиқариш корхоналари билан алоқа ўрнатиш муҳим аҳамиятга эга. Ўқув-лаборатория хоналарини жиҳозлаш, битирувчиларни иш билан таъминлаш, хўжалик шартномалари асосида илмий

кунда “Металлургия” кафедраси бакалавриат йўналиши билан бирга 5A311603 – “Фойдали қазилмаларни бойитиш” ва 5A310301 – “Металлургия” магистратура мутахассисликлари бўйича магистрларни тайёрлаб келмоқда.

Кафедра ташкил этилгандан бошлаб, профессор-ўқитувчилар томонидан илмий-тадқиқот ишлари бажарилиб келинмоқда. 1999-2004 йилларда 12 млн. сўмлик “Повышение эффективности освоения Джерой-Сардаринского месторождения фосфоритовых руд” мавзуидаги, 2008-2009 йилларда 13,5 млн. сўмлик “Разработка способов переработки низкосортных фосфоритовых руд с получением кондиционного концентрата” мавзуидаги, 2009-2011 йилларда 60 млн. сўмлик “Разработка эффективной технологии получения из местного базальтового сырья огнестойких материалов” мавзуидаги, 2011-2012 йилларда 28 млн. сўмлик “Разработка технологии извлечения цветных и благородных металлов из клинкера – отхода цинкового производства” мавзуидаги давлат грантлари ва 2012-2013 йилларда 40 млн. сўмлик “Разработка комбинированной технологии извлечения ценных металлов из цинковых кеков” мавзуидаги, 2013 йили 120 млн. сўмлик “Исследование объемного распределения различных форм золота в хвостохранилище ГМЗ-3” ва 60 млн. сўмлик “Исследование деструкции пород на местах их залегание” мавзуидаги хўжалик шартномалари бажарилди.

Ҳозирги кунда кафедрада профессор Г.С.Саттаров ва кафедра мудири т.ф.н., доцент Н.А.Донияров раҳбарлигида кафедранинг ёш олимлари билан ҳамкорликда “Фосфорит рудалари ва концентратлари таркибидан камёб ва радиоактив металларни ажратиб олиш ва фосфорит маҳсулотлари сифатини ошириш” мавзуси бўйича 140 млн. сўмлик давлат гранти бажарилиб келинмоқда.

НКМК бош директори Қ.С.Санакулов раҳбарлигида Учқудук ҳудудида жойлашган 3-гидрометаллургия заводидаги мавжуд муаммоларни ечиш борасида НКМК, Марказий илмий тадқиқот лабораторияси мутахассислари билан ҳамкорликда илмий изланишлар олиб борилмоқда.

## КИМЁВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ

1963 йилда кафедра Тошкент политехника институтининг Навоий шаҳридаги филиали таркибида “Умумий ва аноорганик кимё” кафедраси номи билан ташкил топган. Кафедра бу даврда кимё саноати учун кўплаб малакали кадрларни етиштириб чиқарди. Дастлабки йилларда кафедра таркибида 4 нафар ўқитувчи фаолият кўрсатган.

1986-1990 йиллардан кафедра “Кимё ва кимёвий технология” кафедраси номи билан фаолият юрита бошлаган.

2003 йилда кафедрада “Юқори молекуляр бирикмалар кимёвий технологияси” йўналиши бўйича магистратура ташкил этилди.

2001-2003 йилларда кафедра доценти Т.Нурмуродов Германиянинг Гамбург-Харбург, Голландиянинг Твенте, Даниянинг Аолборг университетларида малака оширишда бўлиб, у ерда ташкил этилган масофадан ўқитиш, вертуал лабораториялардан, электрон дарсликлардан фойдаланиш бўйича тажриба орттириб, кафедра ва институт миқёсида дарс ўқитишда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

2009 йилда кафедрада 5A522401-“Ноорганик моддалар кимёвий технологияси” мутахассислиги бўйича магистратура, 2013-2014 йилларда “Ноорганик моддалар кимёвий технологияси”, “Органик моддалар технологияси ва улар асосидаги материаллар”, “Кимё

саноати жиҳозлари ва қурилмалари” ихтисослиги бўйича катта илмий ходим изланувчилар институти (докторантура) ташкил этилди.

“Кимёвий технология” кафедраси мамлакатимизнинг кимё саноати корхоналари: “Навоийазот” АЖ, “Қизилқумцемент” АЖ, НКМК бўлимлари, “Навоийэлектрокимё” АЖ, “Самарканд-суперфосфат” корхонаси, Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи ва бошқа корхоналар билан илмий ҳамкорлик олиб бормоқда. Бу ҳамкорликнинг асосий жиҳатлари: ишлаб чиқаришга олий маълумотли муҳандис- бакалавр ва магистр кадрлар тайёрлаб бериш, янги техника ва технологияларни ҳамкорликда ўрганиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш, мавжуд муаммолар устида илмий изланишлар олиб боришдан иборат.

Кафедра бугунги кунда ўқув жараёни ва амалиётни бирга олиб бориш учун “Навоийазот” АЖда ўз филиалига эга. Бунда талабаларнинг мутахассислик фанларини мукаммал эгаллаш учун фанларни ишлаб чиқариш билан биргаликда ўрганишга эришилмоқда.

Кафедранинг профессор-ўқитувчилари томонидан илмий услубий фаолияти давомида 1 та ўқув қўлланма, 2 та монография, 3 та патент, 150 та ортиқ ўқув-услубий қўлланма ва кўрсатмалар, 250 дан ортиқ илмий мақола ва тезислар чоп этилган.

Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан 5 та давлат гранти, 2та халқаро грант лойиҳалари доирасида илмий-тадқиқот ишлари бажарилиб келинмоқда.

“Кимёвий технология” кафедраси инновацион гуруҳида 2 нафар профессор, 5 нафар доцент, 3 нафар катта ўқитувчи, 4 нафар ассистент, 2 нафар катта илмий ходим-изланувчи ҳамда 4 нафар магистр ва 3 нафар иқтидорли талабалар фаолият олиб бормоқда.

Инновацион гуруҳлар “Кимёвий технология” кафедраси ихтисослашувига мос бўлган “Навоийазот” АЖ, “Электрокимё” завод

билан ҳамкорликда иш олиб боради. Кафедранинг катта илмий ходим-изланувчиси М.Тўраев “Навоийазот” АЖнинг “Аммиак ва минерал ўғитлар” лабораториясида илмий мавзуси бўйича, катта илмий ходим-изланувчи А.Умрзоков эса “Навоийазот” АЖнинг 7, 11-цех марказий завод лабораториясининг “Органик синтез технологияси” илмий лабораториясида илмий ишига доир тажрибаларини олиб бормокдалар.

Кафедра аъзоларининг докторлик ва магистрлик диссертациялари технологик муаммолар ечимига қаратилган. Кафедра доценти Т.И.Нурмуродов раҳбарлигидаги инновацион гуруҳ аъзолари “Навоийазот” АЖ нинг 32-цехи лабораториясида ўз тажрибаларини олиб бормокда. Профессор Х.Бахронов раҳбарлик қилаётган инновацион гуруҳ “Навоийазот” АЖ нинг 201-цехида “Аммоний роданид ва тиомочевина тузлари эритмасини сувсизлантиришнинг янги технологиясини яратиш” мавзусида ўз тажрибаларини олиб бормокда.

Кафедра профессор-ўқитувчилари кафедра муdiri доцент Ф.Умиров раҳбарлигида мамлакатимиз ва чет эл олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, ўқитишнинг замонавий усул ва технологияларидан фойдаланиш, профессор-ўқитувчилар малакаларини ошириш, илмий анжуманларда иштирок этиш борасида ҳамкорлик олиб бормокда. Булар жумласига: ЎзМУ, БухДУ, СамДУ, ТДТУ, ТКТИ, НавДПИ, Москва пўлат ва қотишмалар институти, Москва геология-қидирув университети, Томск политехника университети, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Умумий ва ноорганик кимё институти, Ўсимлик моддалари кимёси институти, Полимерлар кимёси ва физикаси институти, Россия Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти киради.

## ИҚТИСОДИЁТ ВА МЕНЕЖМЕНТ КАФЕДРАСИ

Кафедра 1987 йил апрел ойида кафедра Тошкент политехника институтининг Навоий филиали таркибида “Иқтисодиёт” кафедраси номи билан ташкил топган бўлиб, унга илк бор унга иқтисод фанлари номзоди С.А.Абдуллаев мудирлик қилган.

1991-1993 йилларда кафедра Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтининг Навоий филиали таркибида ўз фаолиятини давом эттириб, “Иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришни бошқариш” номи билан аталган.

1994-1995 ўқув йили филиал Тошкент давлат техника университети таркибига ўтганлиги туфайли кафедра “Машинасозлик иқтисодиёти ва бошқаруви” номи билан ўз фаолиятини давом эттирди.

1995 йил декабр ойида кафедра “Иқтисодиёт ва бошқарув” номи билан юритилиб, уни иқтисод фанлари доктори, профессор И.Улашев бошқарган.

1999 йилда институт Илмий кенгашининг қарорига биноан кафедра “Иқтисодиёт ва менежмент” деб қайта номланган.

2000-2001 ўқув йилида “Касб таълими” (менежмент) ва 2003-2004 ва 2011-2012 ўқув йилларида “Иқтисодиёт” (соҳалар бўйича) йўналишлари бўйича бакалаврлар тайёрланган.

Кафедранинг катта ўқитувчиси М.Т.Темирова 2002 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотиغا сазовор бўлган. Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан 1 та дарслик, 5 та ўқув қўлланма, 4 та монография, 100 дан ортиқ услубий қўлланма ва кўрсатмалар, 200 дан ортиқ илмий мақола ва тезислар чоп этилган.

Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан 2014 йилда давлат гранти асосида 2 та мавзу, 2015 йилда 1 та мавзу бўйича илмий-тадқиқот ишлари давом эттирилмоқда, яъни

1. А2-057 “Саноатлашган минтақада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини инновацион ривожлантиришнинг иқтисодий самарали йўллари эконометрик асослаш” (Навоий вилояти мисолида);

2. А2-014 “Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш”;

3. КА-2-003 “Ўзбекистонда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш” (Навоий вилояти мисолида)

Кафедра мудир и.ф.н., доцент Н.Ашурова раҳбарлигида профессор-ўқитувчилар Тошкент давлат иқтисодиёт университети, ТДТУ, БухДУ, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Давлат солиқ қўмитаси, Солиқ академияси билан илмий ва услубий алоқалар ўрнатганлар. Олиб борилаётган ушбу ҳамкорлик кафедра профессор-ўқитувчиларининг илмий салоҳиятини юксалишига, илмий ишларига самарали таъсир кўрсатмоқда.

## ОЛИЙ МАТЕМАТИКА КАФЕДРАСИ

1963 йил Навоий шаҳрида Тошкент политехника институтининг ўқув консультация бўлими ташкил этилиб, уни математика муаллимаси Л.В.Юдина бошқарган. 1970 йилдан бошлаб “Физика-математика” кафедраси ташкил этилди. Унга мудир этиб физика-математика фанлари номзоди С.Л.Раковицкий тайинланди. 1966-1967 йилларда М.Ёдгоров, М.Мухаммадов, Д.А.Борухов ва М.Бозоров

кабилар ишга таклиф этилдилар. 1970 йилда Тошкент шаҳридан физика-математика фанлари номзоди Х.Очилов ишга таклиф этилди.

“Олий математика” кафедраси иккига: “Олий математика” ва “Физика” кафедраларига бўлинган. Кафедрада “Табиий жараёнларни математик моделлаштириш” ва “Математикани ўқитиш методикалари” мавзулари бўйича илмий ишлар олиб борилмоқда.

“Олий математика” кафедраси профессор-ўқитувчилар томонидан 100 дан ортиқ илмий мақола ва тезислар, халқаро ва республикамиз илмий журналларида чоп этилган. Олий математика фанини талабалар чуқурроқ ўзлаштиришлари учун кўплаб услубий қўлланмалар ва кўрсатмалар, ҳар бир йўналиш бўйича услубий мажмуалар тайёрланган.

Кафедра профессор-ўқитувчилари иқтидорли талабалар билан мунтазам равишда шуғулланиб, уларни фан бўйича олимпиадага тайёрлайдилар, анъанавий ўтказиладиган иқтидорли талабалар конференциясига қатнашаётган талабаларга илмий раҳбарлик қиладилар.

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР КАФЕДРАСИ**

Мустакил юрт фарзандлари тафаккур тарзини ўстиришда, озод ва обод Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришларни ва юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини тушунтиришда, мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсати борасида амалга оширилаётган ишлар билан таништиришда ҳамда Ўзбекистоннинг янги тарихини ўрганиш бўйича талаба ёшлар қалбига миллий ғоя ва мафкурани сингдиришда кафедра жамоасининг хизмати каттадир.

Кафедра профессор-ўқитувчилари Навоий вилоятининг ижтимоий-иқтисодий тарихи, Кармана тарихи, Ўзбекистон кончилик ва металлургия саноати тарихи бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Улар Республика ва вилоятимизда чоп этиладиган қатор журнал ва газеталарда, Республика ва халқаро аҳамиятга эга бўлган илмий-амалий анжуманларда ўзларининг илмий мақолалари билан иштирок этиб келмоқдалар.

Кейинги йилларда кафедра профессор-ўқитувчилари кафедра мудири О.Хаитова раҳбарлигида 4 та ўқув қўлланма, 4 та монография, 100 га яқин ўқув-услубий қўлланма, мақолалар, вилоят тарихи, тарихий ёдгорликлари ва обидаларига бағишланган қатор илмий-оммабоп рисоалар чоп эттирди.

Кафедрада бугунги кунда Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат техника университети, Андижон давлат университети, Самарқанд давлат университети, Бухоро давлат университети, Навоий давлат педагогика институти ва бошқа олий ўқув юртлари билан илмий ҳамкорлик йўлга қўйилган.


ятининг  
ончилик  
ларини  
ладиган  
тга эга  
олалари

кафедра  
графия,  
тарихи,  
илмий-

ситети,  
ситети,  
Навоий  
билан

## ЗАРАФШОН УМУМТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ

---



## ЗАРАФШОН УМУМТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ

XX асрнинг 50-60 йилларида қакраб ётган Қизилқум чўлларида Зарафшон, Учқудук каби шаҳарлар барпо этилди. Инсон ўзининг ақл-заковати, тинимсиз меҳнати туфайлигина бу ерлардаги табиий бойликларни ўзлаштира бошлади. Қизилқумда олиб борилган геологик қидирувлар натижасида бу ерларда олтин, уран конлари топилди. Ер бағрида ётган табиий бойликларни қайта ишлаш мақсадида бу жойларда олтин ва урани қайта ишлайдиган заводлар барпо этилди.

Ўзбекистонда XX асрнинг 50-60 йилларида кон-металлургия саноатининг ривожини ўз навбатида унга зарур бўлган малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни келтириб чиқарди. Маҳаллий кадрларни тайёрлаш борасида 1967 йил Зарафшон шаҳрида ТошПИНинг ўқув маслаҳат маркази, 1974 йилда эса кечки факультети очилиб, унда НКМК учун халқ хўжалигининг устувор йўналишлари бўйича мутахассис кадрлар тайёрлана бошланди. Ушбу факультетни дастлаб Б.Йўлдошев бошқарган. Факультет 1987 йил ёпилиб, 1992 йил қайта ташкил этилди.

Факультетда 1993-1996 йиллар т.ф.н, доцент А.Алауов, 1996-2006 йиллар т.ф.н. доцент У.Ю Давронбеков, 2007-2008 йиллар т.ф.н, доцент А.С.Исмаилов, 2008-2009 йиллар т.ф.н., доцент Р.Ш.Наимова, 2009 йилдан ҳозирга кунгача ф-м.ф.н, доцент А.П.Пиримов декан вазифасида фаолият юритмоқда.

Факультетга 5311600 - “Кончилик иши”, 5310300 - “Металлургия” йўналишлари бўйича талабалар қабул қилинган. 2008-2009 ўқув йилидан бошлаб факультетга янги 5310700 - “Кончилик электр механикаси” йўналиши киритилган. 2011-2012 ўқув йилидан бошлаб эса “Кончилик электр механикаси” йўналиши

“Электр техникаси, электр механикаси, электр технологиялари” тармоқлари йўналишига алмаштирилган. Ушбу факультет талабалари биринчи ва иккинчи курсларда ўқишларини Зарафшон шаҳрида, III ва IV курсларда Навоий шаҳридаги факультетларда ўз йўналишлари бўйича давом эттирадилар.

Зарафшон шаҳрида 2-ГМЗнинг жойлашганлиги боис МКБ тажрибали мутахассис ходимлари билан талабаларнинг ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Уларга жадвал асосида ойда бир марта амалиёт ташкил этилган, бунда талабалар 2-ГМЗга, заводнинг марказий лабораториясига, “Қизилкум” фосфорит мажмуаси каби ишлаб чиқариш корхоналарига боришмоқда. Амалий саёҳат давомида улар корхона иш фаолияти билан танишиш, дарс жараёнида олган назарий билимларини янада мустаҳкамлаш имконига эга бўлишмоқда. Бундай амалиёт саёҳатларининг ташкил этилиши бўлажак кончи ва металлургларнинг ўз касблари ҳақида кенгроқ тушунчага, ушбу соҳа ҳақида тўлиқроқ маълумотга эга бўлишларидир.

Факультет профессор-ўқитувчилари ўқув жараёни билан бир каторда илмий тадқиқот ишларини ҳам олиб бормоқдалар. Улар томонидан 1 та монография, 1 та ўқув қўлланма, 60 дан ортиқ илмий мақола ва тезислар республика ва хорижий журналларда чоп этилиб келинмоқда. Факультет жамоаси бугунги кунда ЎзМУ, ТДТУ, БухДУ ва Москва давлат кончилик университети, Москва пўлат ва қотишмалар институти, Томск давлат политехника университетлари билан илмий-услубий ишларни амалга ошириш борасида ҳамкорлик қилмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875 - сонли “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаш-тириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида факультетда “Ижтимоий - гуманитар фанлар”

кафедраси катта ўқитувчиси С.А.Бекмуродова раҳбарлигида талаба ёшлар учун инглиз тилини мукамал ўрганишларига хизмат қиладиган инглиз тили маркази фаолият кўрсатмоқда.

Факультет талабаларидан баскетбол бўйича Ўзбекистон олий лигаси аъзолари И.А.Зиновьев ва А.Р.Рахмоновлар Беларуссияда ўтказилган мусобақада 1-ўринни олишга сазовор бўлишган. Улар 2011 йилда спортнинг баскетбол тури бўйича эркаклар ўртасида ўтказилган Республика чемпионатида иштирок этиб, Ўзбекистон кубогини қўлга киритишди. Ушбу спортчилар “Металлургия” йўналишида таълим олиш билан бирга, Республика мусобақаларининг икки карра кумуш медал соҳиби, Республика олий ўқув юрти талаба ёшлари ўртасида Андижон шаҳрида ўтказилган “Универсиада-2010” мусобақасида кумуш медал совриндори бўлишган.

Истам Қудратов самбо бўйича Ўзбекистон Республикаси чемпионатининг бир неча бор ғолиби, жумладан, у 2010 йил Тошкентда бўлиб ўтган Республика чемпионатида 1-ўринни, Осиё чемпионатида 3-ўринни, Тбилиси шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида 3-ўринни олишга сазовор бўлган. 2011 йил 23-25 апрелда Андижон шаҳрида ўтказилган Республика чемпионатида 68 килограмм вазн тоифаси бўйича II-даражали диплом билан тақдирланди. 2011 йил 5-10 ноябрь кунлари Вильнюс шаҳрида эркаклар ўртасида самбо бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди.

Бугунги кунда барча таълим соҳаси ходимларининг асосий вазифаси ўз ишига масъулиятли, интилувчан, ёшларни қўллаб-қувватлашдир. Бундан асосий мақсад, талабаларни ҳар томонлама салоҳиятли бўлишга, ўз касбининг моҳир устаси, мард ва жасур, она юртимиз учун муносиб фарзанд бўлиб етишишига ундайди.

талаба  
хизмат

н олий  
уссияда  
н. Улар  
ртасида  
екистон  
пургия”  
рининг  
талаба  
а-2010”

бликаси  
10 йил  
и, Осиё  
жаҳон  
23-25  
ида 68  
билан  
ахрида  
натида

асосий  
қўллаб-  
онлама  
ур, она

## ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

---



## ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

Олмалиқ Кураматог тизмасида жойлашган бўлиб, бу жойларда мис, рух, кўргошин, олтин, кумуш, олтингугурт, темир каби кимёвий элементлар соф тоза ёки бирикма ҳолда учрайди. Олмалиқ ва унинг атрофлари қадимдан кончилик саноати ривожланган ҳудуд ҳисобланади.

Бугунги кунда шаҳардаги Олмалиқ кон-металлургия комбинати ва унга қарашли “Қалмоққир”, “Сарикчўққи” конлари, мис эритиш, рух ва оҳак ишлаб чиқариш заводлари, мисни бойитиш фабрикалари мамлакатимиз иқтисодиётида катта аҳамиятга эга бўлган рангли, қимматбаҳо металллар етказиб бермоқда.

Олмалиқда ўз фаолиятини бошлаган “Аммофос-Максам” АЖ ҳам бугунги кунга келиб нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиёда ўз салоҳияти ва ўрнига эга бўлган йирик саноат корхонасига айланди. “Аммофос-Максам” АЖ қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган минерал ўғитлар етиштириб бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 12 апрелдаги “Кон-металлургия саноати учун мутахассислар тайёрлашни ташкил қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг “Навоий давлат кончилик институти фалоятини ташкил этиш ва кон-металлургия саноати корхоналарини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорига мувофиқ 2001 йил 2 августда Олмалиқ кон-металлургия факультети ташкил этилди.

ТИ

аб, бу  
, темир  
чрайди.  
саноати  
  
лургия  
онлари,  
мисни  
катта  
етказиб

им" АЖ  
рказий  
саноат  
жалиги  
моқда.  
релдаги  
ташқил  
сида"ги  
нчилик  
саноати  
минлаш  
01 йил  
алди.

Факультетга металлургия, кон электрмеханикаси, кончилик иши мутахассисликлари бўйича кон-металлургия саноати учун етук кадрлар тайёрлаш вазифасини амалга оширишда т.ф.д., профессор Б.Раимжанов жонбозлик кўрсатган. Факультет ташқил этилгандан бошлаб, т.ф.д, профессор А.С.Хасанов бошқарган ва факультетда ўқув лабораториялари ташқил этилган. Шу вақт ичида етук илмий педагогик кадрлар ва катта тажрибага эга бўлган мутахассисларни ўқув жараёнига жалб этиш бўйича ишлар амалга оширилди. Факультет декани лавозимида 2001-2012 йилларда А.С.Хасанов, 2013-2014 йилларда Т.В.Батиров, 2014 йил декабр ойидан бошлаб Д.Б.Холикулов фаолият юритмоқда.

Бугунги кунда жисмонан ва маънан камол топаётган, дунёқараши ва тафаккур тарзи ҳар томонлама ривожланган ёшларни тарбиялаш, уларни етук мутахассис кадрлар қилиб тайёрлаш борасида Олмалик кон-металлургия факультетида ҳам муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Олмалик кон-металлургия факультетида:

1. Кончилик ишлари;
2. Электр техникаси, электр механикаси ва электр технология-лари;
3. Ижтимоий ва гуманитар фанлар;
4. Металлургия ва кимёвий технология кафедралари мавжуд.

Факультетда 6 йўналиш бўйича талабаларга таълим берилади.

1. Электр техникаси, электр механикаси ва электр технология-лари;

2. Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқари-шини автоматлаштириш;

3. Металлургия;

4. Кимёвий технология;

5. Кончилик ишлари;

6. Касбий педогогик таълим.

Бугунги кунда факультетда 2 нафар профессор, 17 нафар доцент, 20 нафар катта ўқитувчи ва 19 нафар ассистентлар фаолият юритиб, ҳудуддаги йирик корхоналар “Олмалик кон металлургия комбинати” АЖ ва “Аммофос-Максам” АЖлар учун интеллектуал салоҳиятга эга, илм-фаннинг замонавий ютуқлари асосида мустақил фикрлай оладиган билимли ёшларни тарбиялаш ҳамда рақобатбардош, юқори малакали кадрлар тайёрлашда бор кўникма ва билимларини беришмоқда. Факультет жамоаси бугунги кунда “Олмалик КМК” АЖ ва “Аммофос-Максам” АЖ билан ҳамкорлик шартномаларини тузган бўлиб, у асосида факультет профессор-ўқитувчилари ва талабалари амалиёт, тажриба ва илмий-тадқиқот ишларини олиб боришмоқда, бундан ташқари ҳар бир йўналиш ҳафтанинг бир кунида йирик корхоналарга бориб амалиёт дарслари ўтилмоқда. Шунингдек, Тошкент давлат техника университети, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент кимё-технология институти ва бошқа илмий тадқиқот институтлари билан илмий ҳамкорлик алоқаларни олиб бормоқдалар.

Кафедраларга мутахассислик фанларини ўқитиш учун Олмалик кон-металлургия комбинати ва “Аммофос-Максам”

ишлаб  
АЖнинг етакчи мутахассислари, ТошДТУдан, илмий салоҳиятли олимларни ўриндошлик асосида ишга жалб этилган.

Барча йўналишларда тайёрланаётган кадрлар малака сифатини ошириш мақсадида ишлаб чиқариш корхоналарида кафедра филиаллари очилган.

• “Аммофос-Максам” очик акционерлик жамиятидаги ўқув марказида ташкил этилган кафедра филиалида 3 ва 4 босқич талабаларига ҳафтада бир кун амалий машғулотлар олиб борилади;

• “ЎзГЕОРАНГМЕТЛИТИ”да ҳам кафедра филиали очилган ва у замонавий ускуна ва қурилмалар билан жиҳозланган;

• “Олмалиқ кон металлургия комбинати” акционерлик жамияти корхоналарининг ўқув аудиторияларида талабалар учун қўшимча дарс ўтилмоқда.

Факультетда ҳозирги кунда 900 нафарга яқин талабалар таҳсил олмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига мувофиқ, ишлаб чиқилган ва унда “Иқтидорли талабаларни излаш, аниқлаш ва уларни мақсадли тайёрлаш тўғрисида”ги Низомига асосан факультетда иқтидорли талабалар томонидан илмий мақолалар ва тезислари чоп этилиб келинмоқда. Кафедралар томонидан “Кончи”, “Ёш металлурглар”, “Ёш химиклар”, “Ёш энергетик”, “Ижодкор”, “Лингвист” илмий тадқиқот тўғараклари ташкил этилиб, мазкур тўғаракларда иқтидорли талабалар профессор-ўқитувчилар кўмагида илмий изланишлар олиб бормоқдалар. Факультет ўқитувчиси И.Турдиев иқтидорли талаба О.Абдуразаков билан ҳамкорликда *«Металлургия корхоналаридаги техник*

*сувларини кимёвий усулида тозалаш»* макетини тайёрлашди ва 2013 йил 30 май куни Тошкент вилоятида бўлиб ўтган “Келажак овози” танловида қатнашиб, 1-ўринни қўлга киритди. Худди шунингдек, талаба П.Кан Корея ривожланиш банки томонидан ташкил этилган “Learn Korean” таълим грантини қўлга киритиб ва 2013 йилда грант лойиҳасида қатнашиш учун Кореяга юборилди. Бу грант Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги иқтидорли талабаларни маданий алоқаларини йўлга қўйишга қаратилган.

пди ва  
елажак  
Худди  
онидан  
атиб ва  
рилди.  
идорли  
н.

# **III БОБ. ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ**

---



Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, шунингдек, Президент Фармонлари ва бир қатор ҳукумат қарорлари асосида мамлакатимизда Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш, олий таълим тизимида иқтидорли талабалар, ёш олимлар билан, ишлаш фаолиятини янада ривожлантириш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган йиллар давомида институт фаолияти, зарур мутахассис кадрлар тайёрлаш борасида қилинган ишлар самараси ўларок, нафақат Навоий вилоятида фаолият юритаётган йирик саноат корхоналари, балки бутун Республика миқёсида олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини ташкил этиш, минерал хом ашё базаларига эга бўлган ҳудудларда ер ости бойликларини қазиб олиш ва қайта ишлаш борасида йирик ихтисослашган гидрометаллургия корхоналарида кончилик саноати, металлургия, машинасозлик, энергетика, кимё соҳасини янада ривожлантириш бўйича мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш имконини берди.

Навоий давлат кончилик институти республикамиздаги олий таълим муассасалари ўртасида ўз нуфузи, мавқеига эга бўлган олий таълим муассасасидир. Бироқ, жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар, айниқса, таълим тизимидаги эришилаётган ютуқлар бугунги давр муваффақиятларга суяниб яшашни эмас, имкониятлардан унумли фойдаланиб, илгари сари одимлашни талаб этмоқда. Шу маънода, институт ички имкониятларини юзага чиқариш, назарий таълим ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш, шу билан бир қаторда институтнинг илмий-амалий потенциалини янада такомиллаштириш борасида тегишли ташкилотлар билан амалга оширилаётган самарали ҳамкорлик ишлари ҳам жуда катта ёрдам бермоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси

Прези  
мутах  
тадбир  
инсти  
металл  
кучайт  
миқёс  
бораси  
ривож  
кафед  
Навоий  
металл  
рудала  
техно  
бирлаш  
чиқари  
механ  
ишлаб  
тармо  
"Элек  
заводи  
комби  
иши"  
техно  
Талаб  
ишлаб

Президентининг “Кон-металлургия саноати учун юқори малакали мутахассислар тайёрлашни ташкил қилишни такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Навоий давлат кончилик институти Навоий кон-металлургия комбинати таркибига ўтказилди.

Бунинг натижасида ушбу олий юртининг Навоий кон-металлургия комбинати билан ҳар томонлама ҳамкорлигини кучайтирилиши ва ушбу саноат корхонаси негизида Республика миқёсида зарур соҳаларга мутахассис кадрларни жалб қилиш борасидаги имкониятларини янада кенгайтиришга олиб келди.

Фан, таълим ва ишлаб чиқариш орасидаги интеграцияни ривожлантириш мақсадида тегишли ташкилотлар қошида институт кафедраларининг қатор филиаллари ташкил этилди. Жумладан, Навоий кон-металлургия комбинати Давлат корхонасининг 1-гидро-металлургия заводида “Металлургия”, “Ноёб ва радиактив металл рудаларини қазиб олиш ва қайта ишлаш техника ва технологияси”, Навоий машинасозлик заводи ишлаб чиқариш бирлашмасида “Машинасозлик технологияси ва машинасозлик ишлаб чиқаришларини автоматлаштириш”, “Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари”, “Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқарув”, Навоий электр тармоқлари корхонаси ва Навоий давлат иссиқлик электр станциясида “Электр энергетика”, “Навоийазот” АЖда ва Навоий электрокимё заводида “Кимё ва кимёвий технология”, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида Олмалиқ кон-металлургия факультетининг “Кончилик иши” ва “Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари” кафедралари филиаллари шулар жумласидандир. Талабалар назарий билимларини ўқув аудиторияларида эгаллашса, ишлаб чиқариш корхоналарининг етакчи мутахассислари кўмаги ва

раҳбарлигида амалий машғулотлар, тажриба ишларини олиб боришади.

Албатта, бу жараён босқичма-босқич амалга оширилди, дастлаб жойларда айрим кафедраларнинг филиаллари ташкил этилган бўлса, тажриба ижобий натижа бергач, 2012-2013 ўқув йилидан эътиборан институтнинг барча мутахассислик кафедралари шу тарзда фаолият юрита бошлашди. Икки томонлама шартномалар имзоланиши олдидан йўналишларнинг ўқув режалари, намунавий ва ишчи дастурлар, уларнинг таълим стандартларига нечоғли мослиги каби масалалар атрофлича ўрганилиб, ишлаб чиқариш корхоналарининг етакчи мутахассислари ва институтнинг профессор-ўқитувчилари билан келишилган ҳолда режалар тузишди. Ҳамкорлик мутахассисларни институт, мураббийларни эса корхона ва ташкилотлар ҳаётига олиб кирди, десак муболаға бўлмайди.

Институт кафедралари филиалларида узвий ташкил этилган тизим институт профессор-ўқитувчилари ҳамда изланувчиларнинг ўз соҳасига дахлдор назарий ва амалий билимларини бойитган ҳолда ўқув ва илмий-тадқиқотлар фаолиятида кенг қўллашларига асос яратади.

Илм-фан ютуқларини амалиётга тадбиқ этиш – ҳар бир ривожланган жамиятнинг энг муҳим масалаларидан бири саналади ва илмий-техника жадал ривожланаётган бугунги кунда илмий тадқиқотлар натижаларини тадбиқ этиш ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ривожланганлик даражасини белгилайди. Институтда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш ва уларнинг истиқболи Навоий ҳудудида жойлашган йирик ишлаб чиқариш корхоналари ва турдош муассасалар билан инновацион ҳамкорлик даражасига ҳам боглиқ. Таълим, фан ва илмий-тадқиқотларни ишлаб чиқариш билан узвий равишда олиб боришда инновацион корпоратив

хамкорликни самарали ташкил этиш учун Навоий давлат кончилик институтида Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини йўлга қўйиш мақсадида тузилган инновацион гуруҳларни ҳам алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Бугунги кунда институтда уларнинг сони 9 тани ташкил этади. Институтдаги ихтисослик кафедралари қошида етук профессор-ўқитувчи ва ёш мутахассислар, катта илмий ходим-изланувчилар, мустақил тадқиқотчи, иқтидорли талаба ҳамда ишлаб чиқариш вакилларидаан иборат инновацион гуруҳларнинг шакллантирилганлиги, кафедралар йўналишига мос замонавий корхоналар ҳамда улардаги мавжуд илмий-технологик муаммолар банки – маълумотлар базасининг малакавий ишларда, магистрлик ва докторлик диссертацияларида, хўжалик шартномалари асосидаги ҳамда илмий-тадқиқотлар давлат дастури доирасидаги илмий-тадқиқот лойиҳалар мавзуларида ўз аксини топаётганлиги, яъни бошқача айтганда, фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасида инновацион корпоратив хамкорликни ривожлантириб борилиши, натижаларнинг бевосита ўқув жараёнига тадбиқ этилиши – институтда таълим сифатининг яна бир поғона ошишида муҳим асослардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Олий таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг инновацион корпоратив хамкорлигини ташкил этиш бўйича аниқ чоратадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Корхоналар муаммоларини ечими бўйича институт билан тегишли корхоналар, жумладан, НКМК корхоналари, Навоизот АЖ билан хўжалик шартномалари асосида ўнлаб илмий тадқиқот лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Инновацион гуруҳларнинг асосий вазифаси тегишли ишлаб чиқариш корхоналари билан илмий-тадқиқот соҳасидаги хамкорликни ривожлантириш ҳисобланади. Кафедраларда ишлаб чиқариш корхоналарининг соҳага оид муаммолар банки доимий равишда

янгилаиб борилади ҳамда шу муаммолар асосида кафедранинг илмий-тадқиқот ишлари шакллантирилади. Танланган мавзулар доирасида илмий характердаги малакавий битирув ишлари, магистрлик диссертациялари ва докторлик диссертациялари мавзулари тузилиб, тадқиқот ишлари йўлга қўйилади. Мавжуд инновацион гуруҳларда Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли корхоналар, жумладан, Навоий машинасозлик заводи, 1, 2, 3, ва 4-гидрометаллургия заводлари, карьерлар, кон бошқармалари ва бошқа ишлаб чиқариш объектлари, НАВОИЙ АЗОТ АЖ, Навоий иссиқлик электр станцияси, ҚИЗИЛҚУМЦЕМЕНТ АЖ, ЭЛЕКТРОХИМЗАВОД АЖ, Навоий электр тармоқлари, Олмалик кон-металлургия комбинатига қарашли корхоналар, АММОФОС-МАКСАМ ОАЖ каби ишлаб чиқариш корхоналаридаги муаммолар бўйича ҳамкорлик қилинади.

Юқорида таъкидланганидек, институтдаги ўқув-илмий жараённинг ишлаб чиқариш билан узвий боғланганлиги Республикамиз кон-металлургия саноати ривожига йўлида хизмат қиладиган малакали ва етук кадрлар этиб тарбиялаш йўлида муҳим аҳамият касб этади. Бу эса келажакдаги буюк давлатимизнинг жаҳон айвонидаги нуфузи ва обрўйини янада ошишига хизмат қилади.

федранинг  
мавзулар  
ишлари,  
гациялари  
и.Мавжуд  
мбинатига  
ди, 1, 2, 3,  
малари ва  
, Навоий  
Г АЖ,  
алиқ кон-  
МОФОС-  
уаммолар

ув-илмий  
нганлиги  
а хизмат  
да муҳим  
нг жаҳон  
ди.

# **IV БОБ.**

## **ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ ЖАРАЁНИ**

### **САМАРАДОРЛИГИНИ**

### **ЮКСАЛТИРИШГА ОИД**

### **ТУЗИЛМАЛАР**

---

---

## ЎҚУВ-УСЛУБИЙ БЎЛИМ

Ўқув-услубий бўлим - ўқув жараёнини назорат қилувчи тузилма бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида фаолият олиб боради.

Институт ўқув-услубий бўлими томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таълим жараёнига тегишли буйруқ ва фармойишларида қайд қилинган таълим сифатини ошириш ва таълим жараёнини такомиллаштиришга қаратилган барча тадбирлар талаб даражасида амалга оширилиб келинмоқда.

Ҳозирги кунда институтда 5 та факультет, 21 та кафедра, 10 та таълим йўналиши бўйича бакалавриат, 8 та мутахассислик бўйича магистратура мавжуд. Институтда жами 3000 дан ортиқ талаба таҳсил олади. Институтда ўқув жараёнини сифатини замонавий талаб даражасида етказишда Республикамиздаги Фанлар Академиясининг илмий текшириш институтлари, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат техника университети, Самарқанд давлат университети ва бошқа олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик ишлари олиб борилмоқда.

Ўқув жараёнига янги педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш натижасида машгулотлар қизиқарли ва мазмунли олиб борилмоқда. Ўқув жараёнида дуал тизими асосида ўқитиш жорий этилди. Бунда талабалар аудиторияда олган назарий билимларини амалиётда тўлдириб борадилар. Бу ўқув тизимида институтнинг профессор-ўқитувчилари билан бирга корхоналардан жалб этилган етук мутахассислар корхона базасида, яъни иш жойларида машгулотлар олиб боришади.

Буюртмачи корхоналар таклифларидан келиб чиққан ҳолда, талабаларни узоқ муддатли амалиётга юбориш ташкил этилган. Бунда

талабалар иш жойларида ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлашиб, амалиёт якунида корхона томонидан ташкил этилган касб белгилаш комиссияси имтиҳони натижасида касбий тайёргарлиги тўғрисида разрядлар даражаси олиб қайтишади ва кейинчалик ишга жойлашиш имкониятига эга бўладилар.

Бугунги кунда ўқув жараёнини янада такомиллаштириш учун ишлаб чиқариш талабидан келиб чиққан ҳолда, ўқитишнинг сифат ва самарадорлигини оширишга асосий эътибор қаратилмоқда. Масофадан ўқитиш тизимини шакллантириш ва такомиллаштириш масаласи бўлимнинг диққат марказида турган муҳим масалалардан биридир. Кончилик, металлургия ва кимё соҳалари бўйича ўқув адабиётлари билан таъминлаш даражаси талаб даражасида амалга оширилган.

Бўлимнинг асосий вазифалари ўқув жараёнини ташкил этиш бўйича меъёрий ҳужжатларни ўрганиш ва ўқув жараёнига тадбиқ этиш; институтда ўқув жараёни самарали ташкил этилишини таъминлаш; ўқув жараёнининг ташкилий масалаларини ҳал этиш; ўқув йили ва семестрлар бўйича ишчи ўқув режаларининг бажарилишини ўрганиб бориш; кафедраларда ўқитиладиган фанлар бўйича ўқув юкламаларини умумлаштириш ҳамда бажарилишини назорат қилиш; ўқув жараёнини янада такомиллаштириш юзасидан илмий изланишлар олиб бориш; ўқув-услугий бўлим таълим йўналишлари ва мутахассисликларида фанларни ўқитиш ахборот педагогик технологиялари ва методлари кенг жорий этилишининг ҳолатини ўрганиб бориш ва бу борада орттирилган илғор тажрибаларни оммалаштириш; талабаларнинг мустақил ишларини самарали ташкил этиш услубини ишлаб чиқиш ва уларнинг тегишли кафедраларда сифатли амалга оширишига кўмаклашиш ва ҳоказо.

Бўлим томонидан илғор педагогик технологияларни ўқув жараёнига жорий қилиш бўйича “Ўқитишнинг ўқув-услугий асослари”

мавзусида ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг очик дарслари, хорижий мамлакатларнинг илғор таълим марказларида ўз малакаларини ошириб келган профессор-ўқитувчиларнинг ҳисоботлари бўйича мунтазам семинарлар ўтказиб келинмоқда.

Ўқув-услубий бўлим ташкил этилгандан буён турли йилларда доцент А.Тўраев, доцент Т.Хасанов, доцент И.Урунов, доцент М.Алиев, катта ўқитувчи Е.Никкель, профессор С.Бозорова, доцент Н.Абдуазизов бошқарган. 2014 йилдан Н.Толипов ўқув-услубий бўлим бошлиғи вазифасида фаолият юритмоқда.

## **ИЛМ-ФАН ВА ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ БЎЛИМИ**

Навоий давлат кончилик институтида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги “Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 436-сонли, 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 365-сонли қарори ва ҳоказолар асосида олиб борилмоқда.

Навоий давлат кончилик институтининг илмий-тадқиқот фаолияти кон-металлургия соҳасининг устувор йўналишларини камраб олган. Институтда фаолият кўрсатаётган етакчи кафедраларда ишлаб чиқариш корхоналари, жумладан, Навоий кон-металлургия

комбин  
йирик  
“Қизил  
электр  
Респуб  
идорал  
Федера  
текшир  
И  
талабл  
йўнали  
ишлаб  
профес  
2015-2  
Кафед  
қилин  
муамм  
ишлар  
қилин  
ишлаб  
чиқар  
бажар  
оид м  
муам  
шакл  
мала  
докто  
йўлга

комбинати, Олмалик кон-металлургия комбинати бошқарувидаги йирик ишлаб чиқариш корхоналари, “Навоийазот” АЖ, “Қизилқумцемент” АЖ, “Аммофос-Максам” ОАЖ, Навоий иссиқлик электр станцияси каби йирик корхоналар, Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юртлари, ЎзР ФА ҳузуридаги ва бошқа идораларга тегишли илмий текшириш институтлари ҳамда Россия Федерацияси, Қозоғистон каби чет мамлакатлар олий таълим ва илмий текшириш муассасалари билан ҳамкорлиқлар олиб борилади.

Илмий-тадқиқот ишлари самарасини ошириш, ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган устувор илмий тадқиқотлар йўналишларини ривожлантириш-нинг қўшимча механизми тизимли ишлаб чиқилган. 2015 йилда Навоий давлат кончилик институти профессор-ўқитувчиларининг докторлик диссертациялари бўйича 2015-2020 йилларга мўлжалланган истиқболли режа ишлаб чиқилди. Кафедраларда тайёрланаётган илмий лойиҳаларни танловга тақдим қилинишида бу лойиҳаларнинг Республикамиз учун энг долзарб муаммолар рўйхатига тўғри келиши ва бу борада олиб борилаётган ишларнинг тугалланганлик даражаси асосий мезон сифатида қабул килинган. Бу уларнинг натижаларини тажрибавий ёки кичик серияли ишлаб чиқаришда қўлланилиш имконини беради.

Институтнинг етакчи кафедраларида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантириш юзасидан самарали ишлар бажарилди. Кафедраларда ишлаб чиқариш корхоналарининг соҳага оид муаммолар банки доимий равишда янгиланиб борилади ҳамда шу муаммолар асосида кафедранинг илмий-тадқиқот ишлари шакллантирилади. Танланган мавзулар доирасида илмий характердаги малакавий битирув ишлари, магистрлик диссертациялари ва докторлик диссертациялари мавзулари тузилиб, тадқиқот ишлари йўлга қўйилади.

Илмий-техникавий салоҳиятни ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини янада ривожлантиришнинг энг муҳим стратегик масалаларидан бири ҳисобланади, чунки ХХІ асрда мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан ўсиши илмий-техника тараққиётининг етакчи роли ва иқтисодиётнинг барча соҳаларида ва асосан ишлаб чиқаришнинг таркибий қисмларида интеллектуал фаолият натижалари ни қўллаш асосида таъминланади. Навоий давлат кончилик институти ҳар йили ўтказиладиган инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида илмий-тадқиқот натижаларини намойиш қилади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси давлат илмий-тадқиқот дастурлари доирасида институтда 2 та фундаментал ва 11 та амалий ҳамда 2 та ёш олимларнинг лойиҳаси, ҳамда 2 та инновацион лойиҳалари асосида ишлар бажарилмоқда.

2014 йил давомида институтда давлат гранти асосида молиялаштирилган илмий-тадқиқот ишлари сони ва қиймати йил сайин ошиб борди. 2012 йилда 518050 минг сўм, 2013 йилда жами 580125 минг сўм, 2014 йилда эса 631961 сўмлик илмий-тадқиқот ишлари бажарилди. Бажарилаётган илмий-тадқиқот ишларининг институт профессор-ўқитувчиларига тўғри келадиган улуши белгиланган меъёрдан бир неча баравар ортиқни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июндаги “Олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сонли Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг

малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори ҳамда 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли “Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талаблари” қарори талаблари асосида институтда илмий педагогик кадрлар тайёрлаш ишларининг истиқболли режаси ишлаб чиқилган.

Мазкур режа ҳар бир корхона ва ташкилотлар билан келишилган ҳолда тасдиқланди. Тасдиқланган режа асосида малака ошириш амалга оширилди.

Институтда иш берувчилар билан ҳамкорлик алоқалар яхши йўлга қўйилган бўлиб, бунинг асосини институтнинг бош буюртмачи ташкилоти ҳисобланган Навоий кон металлургия комбинати ташкил қилади. Институтда асосан НКМК ва унинг бўлимларидаги корхона ва заводларда мавжуд бўлган соҳаларга мос келадиган касб эгалари ёш мутахассислар тайёрланиб келинмоқда. Иш берувчилар томонидан талабаларга бир қанча қулайликлар яратиб берилмоқда, масалан иқтидорли талабаларга ўқиш маблағларини тўлаб бериш, ўқишни тугатгандан сўнг иш жойи билан таъминлаш, битирувчиларни ёш мутахассис сифатида ишга қабул қилиб, уларга молиявий ёрдам ва имтиёзлар бериб, ижтимоий ҳимоя қилиб келинмоқда.

Институтда таълим хизматларини ривожлантириш, мутахассисликларга бўлган талабни ўрганиш, институт билан корхона ўртасида алоқаларни чуқурлаштириш мақсадида бир қанча йирик корхона ва ташкилотларни кончилик институти таълим йўналишларини битирувчи олий маълумотли мутахассисларга бўлган талабларини ва ажратилган иш ўринларини, ҳозирги кунда мутахассислар билан таъминланганлигини ўрганиш мақсадида маркетинг тадқиқоти ўтказиб келинмоқда.

Шу каби йирик ташкилотларнинг олий маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёжлари, буюртмалари тақдим этган

талабномалари асосида қабул қилиниб, булар қабул режасини тузишда ва буюртмалар портфелини шакллантиришда ҳисобга олинади.

Институт илмий педагогик салоҳиятини оширишда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг роли каттадир. Фанлар Академиясининг илмий текшириш институтларида тайёрланган илмий даражали ходимлар бугунги кунда институтда фаолият кўрсатмоқдалар. Булар жумласига Фанлар Академиясининг Умумий ва ноорганик кимё институти, Полимерлар физикаси ва кимёси институти, Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти, Ўзбекистон геология қўмитасига қарашли Минерал ресурслар институти ўзларининг салмоқли ҳиссаларини кўшмоқдалар.

Сўнгги йиллар давомида институт олимлари ва тадқиқотчилари томонидан олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижалари бўйича 12 та патент, 2 та ихтиро учун гувоҳнома олинган, 3 та патент учун Давлат патент идорасига ҳужжатлар топширилди.

Республика ва халқаро илмий журналларида 2013 йил давомида институт жамоаси томонидан 100 дан ортиқ илмий мақолалар, монографиялар, ўқув қўлланмалари чоп қилинди, патентлар ва муаллифлик гувоҳномалари олинди.

Институт ташкил қилингандан буён илм-фан ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш ва таҳририят-нашриёт бўлими фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ҳар йили институтда анъанавий тарзда ўтказилиб келинадиган халқаро ва Республика миқёсидаги илмий-техник ва иқтидорли талабалар анжуманларини ташкил этиш, тезисларни қабул қилиш ва таҳрирлаш, нашрга тайёрлаш ҳамда анжуманни ўтказиш мазкур бўлим асосий вазифалардан биридир.

1995 йилдан бугунги кунга қадар НДКИ да халқаро ва Республика миқёсидаги анжуманлар ўтказилиб келинмоқда. Шу жумладан НДКИ дан ҳар йили халқаро анжуманларга 120 дан ортиқ,

Республика анжуманларига 250 дан ортиқ профессор ўқитувчилар ўз илмий тезислари билан иштирок этиб келмоқда.

2013 йил 14-16 май кунлари ўтказилган “Современные техника и технологии горно-металлургической отрасли и пути их развития” мавзусидаги халқаро илмий-техник анжуманида НДКИ профессор-ўқитувчилари 170 дан ортиқ илмий мақолалари билан қатнашдилар.

2014 йилнинг 23-24 май кунлари “Ўзкимёсаноат” Давлат акционерлик компанияси, “Навоийазот” ОАЖ, Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий давлат кончилик институти ҳамкорлигида “Перспективы науки и производства химической технологии в Узбекистане” мавзусида Республика миқёсидаги илмий-техник анжуман ўтказилди. Мазкур анжуманнинг ялпи очилиш мажлиси “Навоийазот” ОАЖда, шўъбалар бўйича маърузалар эса Навоий давлат кончилик институтининг Кимё-металлургия факультетида бўлиб ўтди. Анжуманга 300 га яқин тезис қабул қилинди ва чоп этилди. 2013-2014 ўқув йили давомида “Ўзбекистон кончилик хабарномаси” илмий-техник ва ишлаб чиқариш журналининг 3 та сонидан Навоий давлат кончилик институти профессор-ўқитувчиларининг 40 дан ортиқ илмий мақолалари нашр этилди.

2015 йил апрел ойида ўтказилган “Горно-металлургический комплекс проблемы и их решения” Республика илмий-техник анжумани бўлиб ўтди. Ушбу анжуман тўпламига жами 230 та тезис киритилган бўлса, шундан 136 таси НДКИ профессор-ўқитувчилари томонидан, қолган 94 таси бошқа олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан тақдим этилган.

Институтда иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими “Илм-фан ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш” бўлимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Иқтидорли талабаларга билимнинг тегишли соҳалари ва фаннинг аниқ йўналишлар, илмий-тадқиқотлар бўйича ўз

қобилиятларини намоён этишда ва ривожлантиришда иқтидорли талабаларнинг кафедранинг малакали доцентлари ҳамда салоҳиятли профессор-ўқитувчиларга бириктириш, улар билан мустақил ишлашни жонлантириш мақсадида иқтидорли талабаларнинг қизиқишларини ўрганиб, уларни тўғаракларга жалб этиш, бўш вақтларини намунали ўтказиш учун институтда 5 та факультет бўйича 32 та тўғараклар ташкил этилган. Ушбу тўғаракларда иқтидорли талабалар дарсдан бўш пайтларида ҳамма йўналишлар бўйича кафедраларда махсус жадвал асосида иш олиб бормоқдалар.

Институтда ҳар йили анъанавий “Фан ва техника тараққиётида ёшлар” мавзусидаги олий ўқув юртлари иқтидорли талабалари, магистрлари ва ўрта махсус касб-хунар таълим муассасалари иқтидорли ўқувчиларининг илмий-амалий анжумани ўтказиб келинмоқда.

Эрасмус Мундус дастурининг АРСАДЕ лойиҳаси бўйича танловда Навоий давлат кончилик институтининг 4 нафар талабаси муваффақиятли ўтиб, Европа университетларида таълим олиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда малака оширишга таклиф қилинди.

Институт талабаси Ширинов Аслидин халқаро Эрасмус-Мундус дастурининг АРСАДЕ лойиҳаси танловида қатнашиб, Италиянинг Турин политехника университети Машинасозлик технологияси факультетида талаба алмашув дастури асосида 2012-2013 ўқув йилида 10 ой (бир ўқув йили) ўқиш грантини қўлга киритди.

Иқтидорли талабаларни илмий-тадқиқот ишларига жалб қилиш, улар учун махсус грантлар ажратиш, Республика ва Россия Федерациясининг таълим йўналишлари мос бўлган ОТМ иқтидорли талабалари билан мулоқот, тажриба ва ахборот алмашишларини йўлга қўйиш билан уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида институтда амалий тадбирлар Кончилик, Энерго-механика, Кимё-металлургия

факульт  
илмий с  
И  
Ўзбекис  
20  
Б.Абдул  
20  
И.Кудра  
ўтказил  
эгаллаб,  
20  
Ф.Тошп  
этилган  
  
20  
кўзда  
магистр  
5А  
олиш”,  
5А  
олиш”.  
20  
давлат  
5 мутах  
Шу жум  
1)  
2)  
техноло

факультетлари кафедраларида иктидорли талабалар иштирокида илмий семинарлар бўлиб ўтди.

Институтда 20 дан ортиқ талаба Беруний ва 1нафар талаба Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси соҳиби бўлди.

2013-2014 ўқув йилида Кимё-металлургия факультети талабаси Б.Абдуллаев “Шуҳрат” медали совриндори бўлди.

2013-2014 ўқув йилида Кончилик факультети талабаси И.Кудратов Россия Федерациясининг Санкт Петербург шаҳрида ўтказилган самбо бўйича жаҳон. очик чемпионатида фахрли 2-ўринни эгаллаб, жаҳон чемпиони бўлди.

2014-2015 ўқув йилида Энерго-механика факультети талабаси Ф.Тошпўлатова олий таълим муассасалари талабалари учун таъсис этилган “Камолот” стипендияси совриндори бўлди.

## МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

2000 йилда Кончилик факультетида давлат таълим стандартида кўзда тутилган йўналишларда иккита мутахассислик бўйича магистратура очилган. Жумладан:

5А 540202 -“Фойдали қазилма конларини ер ости усулда қазиб олиш”,

5А 540203 -“Фойдали қазилма конларини очик усулда қазиб олиш”.

2005 йилда Кончилик ва Кимё-металлургия факультетларида давлат таълим стандартида кўзда тутилган йўналишларда 5 мутахассислик бўйича магистратурага талабалар қабул қилинган. Шу жумладан:

1) 5А 520403- “Рангли ва нодир металллар металлургияси”

2) 5А 522405- “Юқори молекуляр бирикмалар кимёвий технологияси”

3) 5A 540202- “Фойдали қазилма конларини ер ости усулда қазиб олиш”

4) 5A 540203- “Фойдали қазилма конларини очик усулда қазиб олиш”.

5) 5A 540205- “Фойдали қазилмаларни бойитиш”

Ҳозирги кунда институтнинг 7 та кафедрасида 8 та мутахассислик бўйича 77 та талаба тахсил олади.

Магистратура талабаларига 10 нафар фан докторлари, профессорлар ва 46 нафар фан номзодлари, доцентлар билим сирларини ўргатмоқдалар.

Навоий давлат кончилик институт куйидаги мутахассисликлар бўйича магистрларни тайёрлайди:

| Мутахассислик<br>коди | Мутахассислик номи                                                                   |
|-----------------------|--------------------------------------------------------------------------------------|
| 5A310301              | Металлургия                                                                          |
| 5A311603              | Фойдали қазилмаларни бойитиш                                                         |
| 5A320401              | Ноорганик моддалар кимёвий технологияси                                              |
| 5A311001              | Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш                              |
| 5A320201              | Машинасозлик технологияси ва жиҳозлари                                               |
| 5A311601              | Фойдали қазилма конларини қазиб олиш (қазиб олиш усуллари бўйича)                    |
| 5A321101              | Ноёб ва радиоактив металл рудаларини қазиб олиш, бойитиш ва қайта ишлаш технологияси |
| 5A310705              | Кончилик машиналари ва жиҳозлари                                                     |

2011 йилдан бошлаб Навоий давлат кончилик институти “Машинасозлик технологияси ва машинасозлик ишлаб чиқаришини автоматлаштириш” кафедрасида 5A320201 – “Машинасозлик технологияси ва жиҳозлари” (машинасозликда) магистратура мутахассислиги очилди.

## КАДРЛАР БЎЛИМИ

Кадрлар бўлими 1995 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. Кадрлар бўлими институтнинг таркибий бўлимларидан бири ҳисобланади. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунига, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига, “Олий таълим тўғрисидаги Низом” ва институт Низомига ҳамда меҳнат қонунчилиги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига, институт ректори буйруқларига, кўрсатмаларига, йўриқномаларига риоя қилади.

Бўлим фаолияти давомида зарур мутахассисликка ва малакага эга бўлган, иш савияси, услуби талабларга жавоб бера оладиган профессор-ўқитувчилар ва ходимлар билан институтни таъминлашга катта эътибор қаратади.

Институт профессор-ўқитувчилари, ўқув-ёрдамчи ва маъмурий хўжалик ходимларини ўрнатилган тартибда ишга олиш, бошқа ишга ўтказиш, вазифасидан озод этиш бўйича буйруқ лойиҳаларини тайёрлайди, профессор-ўқитувчи ва ходимларнинг қўнимсизлигини таҳлил қилади, ходимлар сифат таркибини яхшилаш, фойдаланиш учун маълумотлар, шунингдек фаолиятга оид бошқа кўрсаткичларни ўрганади, профессор-ўқитувчиларни давлат аттестациясини ташкил этишда кўмаклашади, институт номенклатурасига кирувчи ходимлар захирасини шакллантиради ва ундан фойдаланиш борасида раҳбариятга таклифлар беради, ходимларни давлат, вазирлик ва тармоқ мукофотлари билан тақдирлаш ишларини ташкиллаштиришда раҳбариятга таклиф киритади, институтнинг бакалавриат,

магистратура босқичлари давлат таълими стандартлари талабларини ва ўқув режасида кўрсатилган барча фанларни ўзлаштирган талабаларга Давлат Аттестация комиссияси қарори асосида институт ректорининг буйруғига биноан диплом, диплом иловалари беради, ўқишга қабул қилинган талабаларни шахсий ҳужжатларини ўрнатилган тартибда қабул қилади, расмийлаштиради ва уларни белгиланган муддатга қадар сақлайди, институт томонидан берилган маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (диплом, диплом иловалари) лар бўйича тегишли органларнинг сўровномаларига, шунингдек, институтнинг барча ходимлари, талабалари тўғрисида ҳуқуқ-тарғибот органлари сўровномаларига ўрнатилган тартибда жавоб йўллайди, маълумотлар банкни яратади.

Бўлим институт раҳбарияти билан ҳамкорликда кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, ходимлар томонидан ички тартиб қоидалар ва меҳнат интизомига риоя қилиниши назоратини олиб боришда иштирок этади.

Бўлимни 1995-2001 йилларда М. Аблаева, 2001-2003 йилларда А.Досжанов, 2004-2010 йилларда А.Сафаров, 2010 йилдан Б.Эшмирзаев бошқармоқда. Бўлимда бугунги кунда катта инспекторлар Ҳ.Азимова, Л.Облоева ва инспектор Г.Туйназарова фаолият кўрсатмоқда.

## **МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ БЎЛИМИ**

Навоий давлат кончилик институтида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, “Таълим тўғрисидаги қонун” ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буйруқлари ҳамда меъёрий ҳужжатлари, Навоий кон-металлургия комбинатининг буйруқлари асосида таълим

ва тарбия жараёнининг узлуксиз бирлиги тамойилига мувофик олиб  
борилмоқда.

Мустақил Ўзбекистон ёшларининг ҳар томонлама баркамол,  
соғлом, жисмонан бақувват, маънавий етук ҳамда малакали  
мутахассис кадрлар бўлиб етишиши каби масалалар доимий  
эътибордадир.

Юртбошимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида  
таъкидланганидек, **“Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан  
ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт  
фалсафаси”**. Бу эса, ўз навбатида ҳар бир профессор-ўқитувчи ва  
ходимлардан таълим ва тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боришни  
талаб этади.

Бинобарин, мустақиллик йилларида мамлакатимиз ижтимоий-  
иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий соҳаларида эришилаётган  
ютуқлар Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган кучли назарий  
концептуал ислохотларнинг натижаси ҳисобланади.

Бўлим томонидан талаба ёшларда соғлом турмуш тарзини  
шакллантириш, уларда гиёҳвандлик, диний ақидапарастлик ва бошқа  
зарарли иллатларга қарши кураш, миллий ва умуминсоний кадриятлар  
руҳида тарбиялаш мақсадида доимий равишда маънавий-маърифий  
ишлар олиб борилмоқда. Фан ва спорт тўғараклари фаолияти, спорт  
мусобақаларининг ўтказилиши, уруш ва меҳнат фахрийлари билан  
учрашувлар ташкил этилиши, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар,  
давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан режага мувофик  
давра суҳбатлари мунтазам ўтказилиб келинаётгани талабаларни  
миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда  
муҳим восита бўлиб келмоқда.

2015 йил давомида Навоий шаҳридаги “Ёшлар” марказида  
“Юксак маънавиятли авлод” фестивали вилоят босқичида  
институтимизнинг талабалари “Президент асарлари”, “Тарих

билимдони”, “Ўз асарларида миллийликни акс этирган rassom”, “Ўз асарларида миллийликни акс эттирган хунарманд”, “Ватан куйчиси”, “Замонавий илм-фан”, “Бадий ижод” йўналишларида иштирок этиб, жумладан, “Ватан куйчиси” йўналишида Д.Ибрагимов, “Ўз асарларида миллийликни акс этирган хунарманд” йўналишида Н.Каримова, “Замонавий илм-фан” йўналишида А.Аслановлар 1 даражали дипломлар билан, “Президент асарлари” йўналишида Н.Каримов, “Тарих билимдони” йўналишида А.Умаровлар 2 -даражали дипломлар билан тақдирландилар.

Шунингдек, институт талабалари Ўзбекистон биринчилиги мусобақаларидан ташқари Республика терма жамоаси таркибида Таиландда, Белоруссияда бўлиб ўтган халқаро турнирларда, 2 нафар талаба “Пекин-2008” Олимпиада ўйинларида, Қатардаги 15-Осиё ўйинларида, Австралия ва Шанхайда ўтказилган жаҳон биринчиликлари, Осиё биринчилиги мусобақалари ва қатор бошқа мусобақаларда иштирок этишди.

2015 йил Навоий давлат педагогика институти ҳамда Навоий давлат кончилиқ институти иқтидорли талабалари ўртасида “Тафаккур синовлари” Республика танловида институт жамоаси ғолиб деб топилди. 2015 йилда Навоий давлат кончилиқ институтининг “Баркамол авлод” жамоаси “Тафаккур синовлари” Республика танловининг саралаш босқичида биринчи ўринни эгаллаб, Бухоро вилоятида бўлиб ўтган ҳудудий босқичда қатнашиб фахрли 2-ўринни эгаллади.

2014-2015 ўқув йилида “Талабларга биноан талабалар” кувноқлар ва зукколар жамоаси Навоий кон-металлургия комбинати жамоалари ўртасида ўтказилган “Олтин лига” ва “Чувство юмора” танловларида қатнашиб, 7 та рағбатлантирувчи номинацияларни қўлга киритди.

проф  
“Фар  
“Барк  
Конч  
асарл  
ўрган  
маъри  
вақтл  
қизиқ  
профе  
тарби  
ташки  
томон  
танло  
яхши  
болал  
хона”  
топш  
“Ўзбе  
сиёса  
Дасту  
бахор  
ортиқ  
кўрин  
оилал  
Навои

2015 йилда “Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда Навоий шаҳридаги “Фарҳод” маданият саройида Кимё-металлургия факультетининг “Баркамол авлод”, Энерго-механика факультетининг “Тафаккур” ва Кончилик факультетининг “Кончи” жамоалари ўртасида “Президент асарлари билимдони” интеллектуал шоуси ташкил этилди.

Талабалар турар жойида талабаларнинг яшаш шароитларини ўрганиш, улар билан тарбиявий ишлар, очиқ мулоқотлар, маънавий-маърифий, спорт мусобақалари ҳамда талабаларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини ташкил этиш, касбий қизиқишлари бўйича маълумотлар бериш ҳамда кафедра мудирлари, профессор-ўқитувчиларнинг талабалар билан олиб бориладиган тарбиявий ишларга фаол жалб этиш мақсадида “Кафедра ҳафталиги” ташкил этилган ва барча кафедралар профессор-ўқитувчилари томонидан турли мавзуларда маънавий-маърифий тадбирлар ва танловлар белгиланган муддатларда ўтказиб келинади. Масалан, “Энг яхши хона”, “Энг намунали қиз болалар хонаси”, “Энг намунали ўғил болалар хонаси”, “Энг намунали қават ошхонаси”, “Энг тартибли хона” номинациялари бўйича ғолиблар аниқланиб, эсдалик совғалари топширилди.

2015 йил 19 май куни институт талабалар турар жойида “Ўзбекистон Республикасида 2015 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури”нинг 8-банди ижросини таъминлаш мақсадида “Талабалар баҳори” ёшлар фестивали ташкил этилди. Ушбу тадбирда 1000 дан ортиқ талабалар ўзларининг турли хил кўринишдаги чиқишлари, сахна кўринишлари билан иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Институтда таҳсил олаётган иқтидорли ҳамда кам таъминланган оилалар фарзандларини рўйхати шакллантирилиб, мунтазам равишда Навоий шаҳридаги Хотира майдони ва Қосим Шайх жомеъ

масжидига, вилоят тарихий ўлкашунослик музейига, Нурота тумани Сармишсой дарасига, Бухоро шаҳридаги “Етти пир” қадамжоси ҳамда Самарқанд шаҳри “Ҳазрати Довуд” зиёратгоҳига, Олмалиқ кон-металлургия факультетининг иқтидорли талабалари Тошкент шаҳридаги кўпгина тарихий музейлар ва муқаддас қадамжоларга саёҳатлар ташкил этилиб келинмоқда.

Институт “Маънавият ва маърифат” бўлими раҳбари лавозимида 1996-2000 йилларда тарих фанлари номзоди И. Мухаммедов, услубчи Б.Рамазонова, 2001-2004 йилларда Э.Дўстматов, 2004-2006 йилларда А.Хасанов, 2006-2010 йилларда Б.Эшмирзаев ва услубчи С.Нарзиева, О.Хасановлар тайинланган бўлсалар, бугунги кунда эса Г.Акобирова бўлим бошлиғи сифатида фаолият юритаяпти.

## **ИЧКИ НАЗОРАТ ВА МОНИТОРИНГ БЎЛИМИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2001 йил 29 августдаги 207-сонли буйруғига мувофиқ, “Иқтидорли талабалар билан ишлаш ва ўқув жараёни сифатини назорат қилиш” бўлими “Ички назорат ва мониторинг” бўлими деб аталди ва унинг низоми тасдиқланди. Ички назорат мониторинг бўлими ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунига, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ҳайъат қарорлари, буйруқларига ҳамда тасдиқланган Низомга мувофиқ амалга оширади. Институтда ички назорат ва мониторинг бўлими Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга татбиқ этилишини амалга оширади. Институтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва фармойишлари, Вазирлар

Маҳка  
вазирл  
модем  
буйрук  
мониторинг  
таълим  
факультет  
хизмат  
юриспруденция  
Республика  
муштах  
Республика  
ва иж  
тасдиқ  
вазирл  
уларни  
ишлаш  
мониторинг  
И  
ташкил  
йиллар  
пайтга  
Р  
иқтисо  
томон  
юриспруденция

Маҳкамасининг қарорлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ҳайъати қарорлари, буйруқлари, йўриқ хат ҳамда модемномалари шунингдек, институт Илмий Кенгаши қарорлари ва буйруқларини бажарилиши назоратини таъминлайди. Ички назорат ва мониторинг бўлими институтда давлат таълим стандартлари ҳамда таълимга оид меъёрий ҳужжатларни амал қилинишини ҳамда факультетлар, кафедралар ва бошқа таркибий бўлинмалардан ўз хизмат вазифаларини бажариш учун керакли ҳужжатларни юритилишини назорат қилиб келмоқда. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги 12-сонли, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақидаги, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик бирлашмалари, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларида ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш ҳамда ижро интизомининг аҳволи мониторингини олиб бориш тартибига асосан ишларни ташкил этади.

Институтда ички назорат ва мониторинг бўлими 2001 йилда ташкил этилган. Бўлимга 2001-2006 йилларда Н.Нуримов, 2006-2007 йилларда Ш.Ҳабибуллаев, 2007 йилнинг ноябр ойидан ҳозирги пайтгача бўлимга доцент И.Ўрунов раҳбарлик қилиб келмоқда.

### **РЕЖА - МОЛИЯ БЎЛИМИ**

Режа - молия бўлими 1996 йилда ташкил этилиб, Молия-иқтисодиёт бўлими Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган йиллик харажатлар сметаси асосида иш юритиб, штатлар жадвали, молиялаштириш ишларини назорат қилади.

Бўлимнинг фаолият юритиш жараёнида асосий мақсад институт жамоасини имкон қадар ижтимоий ҳимоя қилиш, ўқув жараёнини юқори савияда ўтиши учун зарурий ўқув жиҳозлари ва технологиялари билан таъминлаш, талабалар, турар жойида истиқомат қиладиган ёшларнинг яшаш шароитларини яхшилаш бўйича режалар ишлаб чиқиш ҳамда мазкур тадбирларни амалга оширишни молиялаштиришга қаратилган.

Шунингдек, институтда маблағларнинг самарали сарфланишини таъминлаш, харажатларни белгиланган режалар асосида амалга ошириш, ортиқча сарфларга йўл қўймаслик бўлим фаолиятининг бош мезони ҳисобланади.

Бўлим бошлиғи лавозимида 1996-1998 йилларда А.Эргашев, 1998-2004 йилларда И.Исломов, 2004-2006 йилларда З.Нуриева, 2007 йилдан ҳозирги кунга қадар Н.Рустамова фаолият кўрсатиб келмоқда.

## АХБОРОТ РЕСУРС МАРКАЗИ

Навоий давлат кончилик институти кутубхонаси 1995 йилдан буён фаолият юритган. Мазкур кутубхона Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-381- сонли қарори асосида институт ректорининг 2006 йил 17 июлдаги №03/124 сонли буйруғига мувофиқ, Ахборот-ресурс марказига айлантирилган.

АРМ электрон кутубхонасидаги мавжуд компьютерлар локал тармоқ Интернет ва Ziyonet тармоқларига уланган. Институтнинг [www.nggi.uz](http://www.nggi.uz) веб-сайтида АРМ саҳифаси яратилган.

Электрон адабиётлар захираси институт профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган маъруза матнлари, тажриба

ишлари,  
адабиётла  
электрон  
Кут  
автоматла  
фойдалан  
ресурслар  
бошлаб  
марказла  
дастури  
электрон  
НК  
яратилга  
ИНТЕРН  
электрон  
ҳажмини  
Электрон  
ресурсла  
Ах  
жумлада  
хўжалиг  
Мадания  
АРМлар  
хар бир  
қўшимча  
Ки  
мавзулар  
матнлар  
истикбо  
техноло

ишлари, услубий кўлланмалар, интернетдан юклаб олинган адабиётлар ҳамда бошқа турдош олий ўқув юртларидан олиб келинган электрон дарслик ва мультимедиялар ҳисобига бойитиб борилади.

Кутубхонадаги асосий ахборот жараёнларини автоматлаштиришга мўлжалланган тизим - кармат дастури фойдаланувчиларни локал ёки интернет тармоқлари орқали электрон ресурслар билан таъминлашга хизмат қилади. 2011 йил июн ойидан бошлаб АРМ мутахассислари "Корпоратив ахборот-ресурс марказларининг автоматлаштирилган тизими - кармат" электрон дастури асосида иш юритиб, фонддаги мавжуд босма адабиётларни электрон каталог асосида жамлаб бормоқдалар.

НКМК ва НДКИнинг "Ягона ахборот илмий таълим портали" яратилган ва бу порталга мутахассисликка оид китобларнинг ва ИНТЕРНЕТдан олинган китобларнинг 5142 тадан зиёди тўлиқ матнли электрон адабиётлар жойлаштирилиб борилмоқда. Фонднинг умумий ҳажмини - 168713 донга 11388 номдаги ўқув адабиётлар ташкил этади. Электрон маълумотлар базасида жами 8447 турдаги электрон ресурслар мавжуд.

Ахборот-ресурс марказида турдош олий ўқув юртлари билан жумладан: Навоий давлат педагогика институти, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Маданият институти, Тошкент Ахборот технологиялар университети АРМлари билан электрон алоқалар ўрнатилган. АРМ ходимларининг ҳар бир бўлимлар бўйича босқичма-босқич тажриба алмаштиришлари қўшимча чора-тадбирлар режасига киритилган.

Китобхонлар компьютердаги мавжуд ресурслардан керакли мавзуларни кўчириб ёзиб олишлари ёки принтер орқали керакли матнларни чиқариб олишлари мумкин. АРМ мутахассисларининг истикболли иш режасида кадрлар салоҳиятини ошириш, ахборот технологиялар бўйича малакали кадрларни ишга қабул қилиш,

замонавий ахборот хизмати кўрсатиш учун махсус электрон дастурини қўллаш, маънавий-ахлоқий муҳитни янада яхшилаш, яратилаётган имкониятлардан мақсадли фойдаланиш, жамоат таълим тармоғини қулай ва кўп қиррали комплекс функцияларни бажара оладиган дастурий таъминот билан таъминлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида маълумотларни жойлаштириш, доимий тўлдириб ва янгилаб бориладиган электрон портал базасини бойитиш ва электрон каталогларини яратиш, маълумотларни керакли формат кўринишида жойлаштириш, қўшимча электрон хизматларни жорий қилишни белгилаб қўйган.

## АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МАРКАЗИ

Навоий давлат кончилик институти Ахборот технологиялари маркази Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йилдаги “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникацион технологияларини жорий этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги, “Ўқув жараёнига компьютер ва ахборот технологияларни олиб кириш ва дастурий таъминотини амалга ошириш тўғрисида”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруқ ва ҳайъат қарорларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида “Ахборот технологиялари ва масофадан ўқитиш” маркази номи билан ташкил қилинган бўлиб, бугунги кунда 10 нафарга яқин ходим фаолият кўрсатиб келмоқда. Замонавий ахборот технологиялари ва масофадан ўқитишга мўлжалланган 40 ўринли анжуман зали Европа Иттифоқи Темпус-ТАСИС лойиҳаси бўйича тўла жиҳозланган. Институтнинг ўқув маъмурий биноларида жойлаштирилган компьютер қурилмалари ягона корпоратив тармоққа бирлаштирилган, кафедраларда ва

бўлимларда электрон маълумот алмашиш тизими йўлга қўйилган. Институтнинг замонавий веб-сайти яратилган бўлиб, унда институт ҳаёти ва фаолиятига оид барча маълумотлар мавжуд ва доимий равишда маълумотлар янгиланиб борилади.

Ахборот технологиялари маркази фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги “Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини ишга тушириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 378-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида қатор ишлар олиб борилган. Ҳозирги кунга келиб замон талабларига жавоб берадиган компьютер техника воситалари билан жиҳозланган.

## **ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТИ**

Институт Хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти хотин-қизлар ва талаба қизларни маънавий соғлом, миллий кадриятларимизга содиқлик руҳида тарбиялашда салмоқли ишларни амалга ошириб келмоқда. Режа асосида турли суҳбатлар, учрашувлар, мулоқотлар ўтказилмоқда. Баркамол комил инсонларни шакллантиришда ҳар сешанба куни ўтказиладиган “Мулоқот соатлари” ва ҳар жума куни ўтадиган “Маънавият соатлари” нинг аҳамияти катта бўлмоқда.

Талаба қизлар ўртасида одоб-ахлоқ, интизом уларнинг фаоллигини ошириш, тарбиясига ота-оналарни жалб қилиш, ҳамкорликда ишлаш, дарсга қатнашишни, ота-оналар билан яқин алоқа ўрнатиш мақсадида ҳар бир ўқув йилида икки марта ота-оналар йиғилишини ўтказилиб келинмоқда. Институтда айнан хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида профессор-

ўқитувчилар, ходимлар ва талаба ёшларни жисмоний тарбия машқларига жалб этган ҳолда турли хилдаги спорт мусобақалари ўтказилиб келинмоқда.

Институтда хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти 1995 йилда тузилган. Бугунги кунда институтда 77 нафар хотин-қизлар педагог сифатида талабаларга турли фанлардан сабоқ бериб келмоқдалар, улардан 2 нафари фан доктори, 9 нафари фан номзоди, 29 нафари катта ўқитувчи, 37 нафари ассистент лавозимида фаолият юритмоқдалар. Илмий тадқиқот ишлари олиб бораётган аёллар сони 67 нафарни ташкил этади.

Институтда 521 нафар талаба қизлар таҳсил олади. Жорий йилда талаба Н.Каримова “Юксак маънавиятли авлод” Республика кўрик танловида ғолиб бўлди. Талаба Ш.Нарзиева “Камолот маликаси” танловида иштирок этиб, вилоятда 1 - ўринни эгаллаб, Камолот ЁИХ нинг 1 даражали дипломи билан тақдирланди. Институт хотин-қизлар қўмитаси “Энг намунали хотин-қизлар бошланғич ташкилоти” Республика танловида 1 ўринни эгаллаб, Республика хотин-қизлар қўмитасининг 1 даражали дипломи билан тақдирланди.

Мазкур йилда 14 та тадбир ўтказилган, натижада 71 нафар қизлар спорт тўғаракларига жалб этилган, 101 нафари пазандачилик, 75 нафари тикувчилик сирларини ўрганиш курсларида қатнашмоқда.

“Камолот” ЁИХ бошланғич ташкилоти, Хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти томонидан ёшларни бўш вақтларини унумли ўтказиш мақсадида қизларни мустақил ҳаётга тайёрлаш борасида хотин-қизлар ўртасида кийиниш ва муомала маданиятини талаб даражасида бўлишини таъминлаш мақсадида қатор тадбирлар ўтказилган. Институт хотин-қизлар қўмитаси 2013 йилда Республикада “Хотин-қизлар қўмитасининг энг намунали бошланғич ташкилоти” кўрик-танловининг Республика босқичи ғолиби сифатида 1-даражали диплом билан тақдирланган. 1 нафар талаба қиз

Республика “Камолот” ЁИХ стипендияси совриндори бўлган, 3 нафар хотин-қиз ўқитувчи халқ депутатлари вилоят, туман Кенгаши депутатлари этиб сайланган.

## **“КАМОЛОТ” ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТИ**

Институтда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти 2001 йилдан буён фаолият юритмоқда. Ҳаракатнинг ташкил этилишидан мақсад ёшларни бирлаштириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ёшларни ҳаётда ўз ўринларини топишда кўмаклашишдан иборат.

Ҳозирги кунда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати аъзоларини 3000 га яқин талаба ёшлар ва ёш профессор-ўқитувчилар ташкил этишади. Институтда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши аъзолари 9 кишидан иборат. Ундан ташқари ҳар бир факультетда ва ҳар бир гуруҳда ўз етакчиларига эга ва шу асосда кенгаши фаолият олиб боради. Факультет ва гуруҳ етакчилари ёшлар орасида фаол, янгиликка интилувчан ёшларни ўз атрофида бирлаштирадиган талабалар орасидан сайланган.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати талаба ёшларни нафақат маънан балким моддий қўллаб-қувватлашни ҳам ўз олдига мақсад қилган ташкилот ҳисобланади.

Институтда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти томонидан кўплаб фестиваллар, кўрик танловлар маънавий - маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари, интеллектуал шоулар ўтказилиб келинади. Буларга мисол қилиб ҳар йил анъанага айланиб бораётган “Президент асарлари билимдони” номли факультетлараро ўтказиладиган интеллектуал шоу (2015), “Темур ўғлонлари” номли олий таълим муассасалари ўртасида ўтказиладиган спорт

мусобақалари (2015), “Камолот” кубоги спорт мусобақалари, “Буюк мутафаккирлар таваллуди”га бағишлаб ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирларни мисол келтириш мумкин.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотига дастлаб Ф.Умаров, кейинчалик Ж.Норимов, М.Темирова, Н.Назаров ва З.Тоғаевлар етакчилик қилишган. 2013 йилдан буён О.Худойбердиев етакчилик вазифасини бажариб келмоқда.

## ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР БЎЛИМИ

Навоий давлат кончилиқ институтининг педагогик фаолияти даражаси ва сифатини ошириш, профессор-ўқитувчилар таркибининг илмий салоҳиятидан самарали фойдаланиш кўрсаткичларига эришиш ҳамда юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш ва кафедраларнинг тегишли таълим ва илмий-тадқиқот йўналишларига мувофиқ уларнинг ўқув ва илмий-тадқиқот лабораториялари, моддий-техник базасини такомиллаштириб бориш юзасидан халқаро ва хорижий ташкилотларнинг беғараз техник кўмаги грантларини жалб қилиш ҳамда профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг халқаро IELTS, TOEFL (немис ва француз тилларидан эквивалент) дастурлари бўйича ўқитишни ташкил этиш юзасидан олиб бораётган фаолияти Навоий давлат кончилиқ институтини халқаро доирада ривожлантиришни таъминлайди. Бўлим қуйидаги вазифаларни бажаради:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланган олий таълимни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича институтда халқаро алоқаларни ривожлантириш, хорижий университетлар ва ташкилотлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш;

2. Халқаро лойиҳа ва дастурларда қатнашиш учун буюртмалар тузиш;

3. Институтнинг халқаро фаолият рейтинги кўрсаткичларини таъминлаш юзасидан дунёнинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказларининг олимлари, маърузачиларининг ташрифини мувофиқлаштириш;

4. Университет ўқитувчилари ва талабаларнинг академик алмашув дастурлари доирасидаги чет эл сафарларини мувофиқлаштириш;

5. Халқаро таълимнинг ривожланиш тенденциялари тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш;

6. Хорижий илғор таълим технологияларини таҳлил қилиб бориш ва тажрибалар алмашиш;

7. Институтга чет эллик талабаларни жалб қилиш.

8. Инновацион амалиётга татбиқ этишга тайёр аниқ мақсадли инновацион қарорлар ва тавсиялар (таълимий технологиялар таҳлили, ўқув жараёни, малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнини ташкил этиш).

Ҳозирги кунда Навоий давлат кончилик институти лойиҳалар доирасида қуйидаги чет эл университетлари билан ҳамкорлик қилади:

- Турин политехника университети (Турин, Италия),
- Тессалоника Аристотель Университети (Тессалоника, Греция),
- Бохум Амалий тадқиқотлар Университети (Берлин, Германия),
- Транспорт ва алоқа институти (Рига, Латвия),
- Галац «Дунареа де Јос» Университети (Галац, Руминия),
- Марибор Университети (Марибор, Словения),
- Олмота миллий техника университети (Олмота, Қозоғистон),
- Караганда давлат техника университети (Караганда, Қозоғистон)

- Нант Университети (Нант, Франция)
- Кардифф Университети (Уэлс, Буюк Британия)

- Фрие Университети (Берлин, Германия)
- Қироллик Технология Университети (Стокгольм, Швеция)
- Сантьяго де Компостелла Университети (Галисия, Испания)
- Познан Адам Мицкевич Университети (Познан, Польша)
- Льювен университети (Льювен, Бельгия)
- Кеплер номидаги Линц университети (Линц, Австрия)

Охирги 3 йил давомида институтга умумий қиймати 47 минг еврога тенг бўлган замонавий лаборатория қурилмалари, видеоконференция жиҳозлари келтирилди. Институтнинг 5 нафар талабаси АҚШ, Италия давлатлари университетларида академик алмашув дастури доирасида ўқиб қайтишди.

17 нафар профессор-ўқитувчилар Италия, Швеция, Австрия, Греция, Словения, Буюк Британия, Бельгия давлатлари университетларида малака ошириб қайтишди.

Ҳозирги кунда бўлимга профессор А. С. Ҳасанов раҳбарлик қилмоқда.



**Энг замонавий, унумдорлиги юқори бўлган золдирли тегирмон**



**Рудаларни янчиш ва таснифлаш мажмуасининг умумий кўриниши**



**Мурунгов конидаги тик қия конвейринг олд кўриниши**



**Энг тараққий этган узатиш мосламаси**



Ўқув жараёнидан лавҳалар



Талабалар ўқув амалиётидан лавҳалар



**Янги қурилатган лаборатория ва уни замонавий жихозлар  
билан таъминлаш**



**“Навоий машинасозлик заводи” ИЧБ базасида “Машинасозлик  
технологияси” кафедраси филиалидаги дарс жараёни**



**Кураш бўйича мусобақа ғолиблари**



**Институт профессор-ўқитувчилари ўртасида футбол бўйича  
мусобақадан лавҳа (2015 йил)**



**Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендианти Б.Толибов**



**Спортнинг Армрейслинг тури бўйича жаҳон чемпиони,  
талаба Ш.Нуриддинов**



• **“Кимёвий технология” кафедрасида ТЕМПУС-ТЕРСИД халқаро лойихаси бўйича семинардан лавҳа**



**Мусо Хоразмий илмий меросига бағишлаб ўтказилган “Биз киммиз” мавзuidaги мушоирадан лавҳа**

## МУНДАРИЖА

|                                                                                                |           |
|------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|
| <b>КИРИШ.....</b>                                                                              | <b>7</b>  |
| <b>I БОБ. Навоий давлат кончилик институтининг ташкил топиши.....</b>                          | <b>11</b> |
| <b>II БОБ. Институт факультетлари.....</b>                                                     | <b>23</b> |
| Кончилик факультети .....                                                                      | 24        |
| Энерго-механика факультети .....                                                               | 37        |
| Кимё-металлургия факультети .....                                                              | 45        |
| Зарафшон умумтехника факультети .....                                                          | 57        |
| Олмалик кон-металлургия факультети .....                                                       | 61        |
| <b>III БОБ. Таълим тизимини ривожлантиришда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси.....</b> | <b>67</b> |
| <b>IV БОБ.Таълим ва тарбия жараёни самарадорлигини юксалтиришга оид тузилмалар.....</b>        | <b>73</b> |
| Ўқув-услубий бўлим .....                                                                       | 74        |
| Илм-фан ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими ..                                          | 76        |
| Магистратура бўлими .....                                                                      | 83        |
| Кадрлар бўлими .....                                                                           | 85        |
| Маънавият ва маърифат бўлими .....                                                             | 86        |
| Ички назорат ва мониторинг бўлими .....                                                        | 90        |
| Режа-молия бўлими .....                                                                        | 91        |
| Ахборот-ресурс маркази .....                                                                   | 92        |
| Ахборот технологиялари маркази .....                                                           | 94        |
| Хотин-қизлар кенгаши .....                                                                     | 95        |
| “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти.....                                     | 97        |
| Халқаро ҳамкорлик алоқалари бўлими .....                                                       | 98        |